

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМАРАИМОВА ШОХИСТА ТУХТАШЕВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ МЕТАФОРЛАРИНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК
ТАДҚИҚИ
(номинатив аспект)**

10.00.01. – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on
Philological Sciences**

Махмараимова Шохиста Тухташевна

Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи

(номинатив аспект) 3

Махмараимова Шохиста Тухташевна

Антропоцентрическое исследование метафоры в узбекском языке

(номинативный аспект)35

Makhmaraimova Shokhista Tukhtashevna

Anthropocentric research of metaphor in Uzbek language

(nominative aspect)67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works72

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМАРАИМОВА ШОХИСТА ТУХТАШЕВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ МЕТАФОРЛАРИНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК
ТАДҚИҚИ
(номинатив аспект)**

10.00.01. – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Fil189 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий маслаҳатчи: | Менглиев Бахтиёр Ражабович филология фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Элтазаров Жўлибой Данабоевич филология фанлари доктори, профессор Худайберганова Дурдона Сидиковна филология фанлари доктори, профессор Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович филология фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Андижон давлат университети |

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

А.Б.Пардаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. д.

А.Э.Маматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф. д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги, хусусан, метафорологиянинг тадқиқ доирасида инсон метафороген фаолияти туради. Метафорология – илмнинг мустақил таркибий бирлиги бўлиб, метафорани оламни билишнинг асосий усулларида бири сифатида тушуниш унинг антропоцентрик табиати, метафора ва у ҳосил қилган номларни фалсафий, мантикий, психологик, нейролингвистик метафорология кўламида текшириш заруратини келтириб чиқармоқда. Метафораларнинг лингвокогнитив табиати, юзага келиш шартлари, луғавий birlikларнинг ҳосил бўлишидаги ўрни ва аҳамияти, таснифи, метафорик номларни тилнинг Миллий корпусида бериш йўллари, метафорик маъно, ном ва тушунча муносабати кабилар ҳам тилшуносликдаги асосий масалалардан бирига айланган.

Дунё тилшунослигида метафорологиянинг пайдо бўлиши ва алоҳида соҳа сифатида шаклланишини антропоцентрик планда тадқиқ этиш, антик ва ўрта аср тилшунослигидан фарқли, метафораларнинг лисон ва тафаккурга қаратилган лингвокогнитив, лингвокультурологик, психоллингвистик табиатини тушунтириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Метафорадаги номинатив вазифани антропоцентрик ёндашув тамойиллари асосида текшириш муаммоси эса ҳануз ўз ечимини топганича йўқ. Соҳанинг ривожини билан метафоранинг инсон когнитив структураси ҳамда тил системасига дахлдорлигини нейролингвистик кесимда асослаш, когнитив ва концептуал метафораларни ўзаро фарқлаш, метафорик номинация назариясининг тадрижий тараққиётини белгилаш юзасидан аниқ хулосаларга келиш тилшуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистоннинг ўз тараққиётининг янги босқичи – миллий юксалиш даврига қадам қўйиши мамлакатимизда тил сиёсати борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қаторида тилшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг ҳам янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. Зеро, “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”¹. Бинобарин, ўзбек тилининг бой имкониятларини намоён этувчи метафорани бутун-қисм муносабатида текширишнинг кўп йиллик тажрибаси уни бутундан қисмга эмас, қисмдан бутунга тамойили асосида текшириш, бу мураккаб лингвокогнитив, лингвопсихологик, лингвокультурологик ҳодисани антропоцентрик кесимда ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда. Мазкур ёндашув эвазига ўзбек тилшунослигининг истиқболдаги вазифалари – умумий метафорология тамойилларини кашф этиш имкони туғилади. Зеро, миллий тилимизнинг ривожини, “ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // www.lex.uz

инсонлар этиб тарбиялаш”²да катта аҳамиятга эга эканлиги бу борадаги изланишларни янада мукаммаллаштириш зарурлигини кўрсатади. Хусусан, ўзбек метафорасининг антропоцентрик табиатини текшириш бугунги кун ўзбек тилшунослиги, нутқ маданияти, маънавий-маърифий соҳа ривождаги энг долзарб муаммолардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртдан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сонли Фармонлари; Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли, Ўзбекистон 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 304-сонли қарорлари, 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³. Метафорологиянинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Oxford University, Лидс университети, Ноттингем университети (Англия), Cambridge University, California State University, Texas University, Ohio State University (АҚШ), Америка психологлари ассоциацияси (American Psychological Association) (АҚШ), Vrije Universiteit Amsterdam (Нидерландия), Stroudsburg: Association of Computational Linguistics (Франция), Foreign Languages School, Ludong University (Хитой), New Bulgarian University (Болгария), Э.Лоранд номидаги

²Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. – 56 б.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар <https://www.disercat.com>, cheloveknauka.com, <https://www.sgu.ru>, www.dslib.net, <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/>, <https://cyberleninka.ru>, <http://philology.snauka.ru>, <https://moluch.ru>, <https://www.academia.edu>, www.philology.ru, <https://periodicos.sbu.unicamp.br>, <https://social.usq.edu.au/uni-lifestyle>, <http://ucrel.lancs.ac.uk/claws/trial.html>, <http://dspace.kpfu.ru/xmlui/handle/net/>, http://m.dissforall.com/_catalog/t13/_s, www.prlib.ru/item/, ilingran.ru/scholars/rumy, <https://core.ac.uk>, <http://dereksiz.org/leksiko-semanva> бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Будапешт университети (Венгрия), Dublin City University (Ирландия), University of Toronto (Канада), National Chengchi University (Тайвань), Россия Фанлар Академияси Тилшунослик институти, Россия Фанлар Академиясининг техник ахборотлар илмий-текшириш институти (ВИНИТИ РАН), Москва давлат лингвистика университети, А.С.Пушкин номидаги рус тили давлат институти, Санкт-Петербург Лингвистик тадқиқотлар институти Луғат бўлими (Россия ФА), Москва давлат университети, Россия Халқлар дўстлиги университети (РУДН), Урал давлат педагогика университети, Санкт-Петербург давлат университети, Москва давлат Халқаро алоқалар институти, Иркутск давлат лингвистика университети (Россия), шунингдек, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Термиз давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ҳозирда метафорология ривожига доир: «The Metaphor and Metonymy Group» (<http://www.psyc.nott.ac.uk/met/metaphor.html>); «Conceptual Metaphor Home Page» (<http://cogsci.berkeley.edu>); «Virginia Montecino's Metaphors in Various Disciplines Resource» (<http://mason.gmu.edu/~montecin/metasites.html>); «Metaphor Home Page by Tony Veale» (<http://compapp.dcu.ie/~tonyv/metaphor.html>); «Metaphor in Scientific Thinking» (www.csc.liv.ac.uk/~rcp/metaphor.html); «Искусство метафоры» (<http://metaphor.narod.ru>) интернет саҳифалари; “Метафораларнинг онлайн қомуси” (www.compapp.dcu.ie/~tonyv/encyc/cyc_frame.html); «Metaphor and Symbol» (citd.scar.utoronto.ca/Metaphor/Journal.html) электрон журналлари амал қилиб келмоқда. Бундан ташқари, «Center for Cognitive Science Metaphor Online» (<http://metaphor.uoregon.edu>); «ATT-Meta Project Databank: Examples of Usage of Metaphors of Mind» (www.cs.bham.ac.uk/~jab/ATT-Meta/Databank); “Intelligence Advanced Research Projects Activity” (IARPA) лойиҳаси таркибидаги Berkeley MetaNet – АҚШ Мудофаа вазирлиги илмий-текшириш лабораториясининг W911NF-12-C-0022-сонли; “20-аср охиридаги сиёсий-агитацион дискурда рус воқелигини метафорик моделлаштириш” (Россия) номли ГОО-1.6-491-сонли лойиҳалар муваффақиятли бажарилган. Бугунда метафораларни ажратишга доир Metaphor Identification Procedure Vrije Universiteit (MIPVU) ва РФА ТАИТИ (ВИНИТИ РАН)да метафораларни лексик-семантик разметкашга доир дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда метафорологик объектларнинг замонавий чегаралари ва ушбу объектларни номловчи атамаларнинг мазмунини аниқлаш; метафорология терминларини тизимлаштириш; билимларни метафорик узатиш; исм белгисини мотивацион узатиш; метафора фаолияти; метафоризация-кодлаш; декодлаш каби қатор мураккаб масалаларни синтетик соҳалар: антропология этнография, тарих, социология, психология, фалсафа, тилшунослик, адабиётшунослик, тиббиёт, генетиканинг натижаларини бирлаштириш орқали ҳал этишга киришилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзунинг умумий методологик асосини антик даврдан бугунга қадар ўрганилиб келаётган метафорологик таълимотлар ташкил этади. Хусусан, Аристотел, Квинтилиан,

Ж.Миллер, Х.Ортега-и-Гассет, М.Блэр, Н.Арутюнова, М.Джонсон, Ж.Лакофф, Ф.Анкерсмит, М.Рапп, А.Овелак, М.Мюллер, А.Лурия, Н.Жинкин, С.Кацнельсон, Р.Лангакр, Н.Хомский, Л.Тэлми, У.Крофт, Л.Лузина, Я.Парандовский, А.Чудинов, А.Баранов, Г.Скляревская, О.Лагута⁴; ўзбек тилшунослигида Атоуллоҳ Хусайний, М.Миртожиев, М.Мукаррамов, С.Усмонов, А.Ҳожиев, Ш.Раҳматуллаев, Э.Бегматов, Н.Маҳмудов, С.Каримов, Р.Қўнғуров, А.Шомаксудов, Д.Худайберганава⁵ ва бошқа олимларнинг назарий қарашлари шулар жумласидан.

Метафораларнинг номинатив вазифасига доир: Аристотел, Квинтилиан, А.Уфимцева, Е.Земская, Н.Арутюнова, В.Телия, Г.Колшанский, Б.Серебренников, Ю.Степанов, Г.Скляревская, Ж.Лакофф, Р.Лангакр,

⁴Потебня А.А. Слово и миф. – М.: Правда, 1989; Маслова В.А. Лингвокультурология /Учеб. пособие. – М.: Академия, 2001; Теория метафоры, - М.: Прогресс, 1990; Lakoff, George. Metaphors we live by / George Lakoff and Mark Johnson. p. cm. Originally published: Chicago: University of Chicago Press, 1980; Чудинов А.П. Теория метафорического моделирования на современном этапе развития / А.П. Чудинов // Лингвистика: Бюллетень Уральского лингвистического общества. – Екатеринбург, 2000. Т. 5.; Баранов А.Н. Семантика «Атомистическая» и когнитивная. Пятая международная конференция по когнитивной науке. Тезисы докладов. – Калининград, 2012. Том 1. – 230 с.; Свирепо О. А. Метафора как код культуры. Автореферат дисс. кан. философских наук. – Ростов-на-Дону, 2002. <http://www.dissercat.com/content/metafora-kak-kod-kultury> 11/06/2012; Скляревская Г.Н. Метафора в системе языка. – Санкт-Петербург: Наука, 1993; Лагута О. Н. Метафорология: теоретические аспекты / Новосибир. гос. ун-т. – Новосибирск, 2003. Ч. 1. 114 с. Скляревская Г.Н. Метафора в системе языка. – Санкт-Петербург: Наука, 1993; Лагута О. Н. Метафорология: теоретические аспекты / Новосиб. гос. ун-т. – Новосибирск, 2003. Ч. 1. 114 с.; Парандовский Ян Алхимия слова. <http://royallib.ru>; Ankersmit F.R. History and tropology: The rise and fall of metaphor. University of California Press. Berkeley Los Angeles. London; Анкерсмит Ф. Р. История и тропология: взлет и падение метафоры. – М.: Прогресс-Традиция, 2003. – 496 с.; Black M. Models and metaphors: Studies in language and philosophy. – Ithaca, 1962. – P. 5; Лурия А.Р. Основные проблемы нейролингвистики. – М.: Директ-Медиа, 2008. – 547 с.; Малинка А.В., Нагель О.В. Лексическая номинация: ономастологический и когнитивный подходы. Лексическая номинация. – С. 45.

⁵ Хусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.219; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. ☐ Тошкент: Ўқитувчи, 1978. ☐ 267 б.; Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973; Муродий Т. Истиора // Ўзбек тили ва адабиёти. 6-сон. 1972.; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010. – 286 б.; Мукаррамов М. Метафора ясовчи ўхшатиш воситаларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. 2-сон. – 51–53 б.; Бегматов Э., Турсунпўлатов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. – Тошкент, 1992; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент, 1992; Тоҳиров З. Метафора лексема-семемасининг прагматик семаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – № 1. – Б.74-77; Усмонов С. Метафора //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. 4-сон. ☐ 36 б.; Аликулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. 6-сон. ☐ 42 б.; Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. –316 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 2-жилд. – Тошкент: Университет, 2003. – 15 б.; Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: “Mumtoz so'z”, 2017. – 168 б.; Маҳмудов Н. Термин, образли сўз ва метафора // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. 4-сон. – Б.3-6; Мадвалиев А., Шамсиддинов Ҳ. Лексик-семантик усул билан термин ясашига доир // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. I Республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан. – Б. 105-107; Мадвалиев А. Изоҳли луғатларда халқаро термин элементли сўз ва терминларга муносабат масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 2-сон. – Б. 38-43; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976.; Каримов С.А. Бадийий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994; Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. док-ри дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Ҳайитова Ф. ва бошқ. Ўзбек тилида метафора ҳодисасининг айрим томонлари / Туркий тиллар тараққиёти муаммолари. Илмий асарлар тўплами. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 85-90; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол. фан. док-ри дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Шомаксудов А. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент, 1974; Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981; Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. - Тошкент, 1983; Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Нутқ маданияти асослари, I, II, III қисм. – Самарқанд, 1985, 1986, 1987; Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. – Самарқанд, 1985; Юлдашев А. Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив тадқиқи. Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2016 ва б.

Н.Хомский, Л.Тэлми, У.Крофт, В.Виноградов, В.Гак, Л.Лузина, В.Маслова, Ю.Панкрац, В.Демьянков, М.Рут, Е.Кубрякова⁶ ва Д.Худайберганодаларнинг илмий хулосалари тадқиқотнинг назарий асосини ташкил қилади.

Ўзбек тилшунослигида метафоранинг номинатив вазифасини антропоцентрик кесимда ўрганишга бағишланган алоҳида тадқиқот мавжуд эмас. Бироқ ўзбек лисоний тизимида ҳосила номинативларни ташкил этувчи алоҳида бирликлар формал тилшунослик доирасида текширилган, тегишли мавзу доирасида назарий асос вазифасини ўтовчи фундаментал тадқиқотлар мавжуд. Жумладан: фразеологик сатҳда (Ш.Раҳматуллаев⁷, А.Маматов⁸), паремиологик сатҳда (П.Бакиров⁹, Б.Жўраева¹⁰), эвфемик сатҳда (А.Омонтурдиев¹¹), иккиламчи номинация, хусусан, перифразалар (Р.Нормуродов¹²) борасидаги тадқиқотлар мундарижасида метафорик ҳосила номлар масаласи илмий шарҳланган. Ушбу тадқиқотларнинг илмий концепциясини такрорламаслик, аксинча, ўзбек тилшунослиги метафорология соҳасида ҳали ўрганилмаган қирраларга эътиборни йўналтириш ҳамда амалдаги илмий ишнинг оригиналлигини таъминлаш мақсадида, ўзбек метафорологиясига доир сўнгги йилларда бажарилган антропоцентрик изланишларга таянилади (Д.Худайберганодал¹³).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси таркибига кирувчи “Ўзбек тилшунослиги: бадий нутқ таҳлили,

⁶ Уфимцева А.А. Лексическая номинация (первичная нейтральная). 2-е изд. М.: ЛИБРОКОМ, 2010. –С.8. 88 с.; Evans V., Green M. Cognitive Linguistics Introduction. Edinburgh : Edinburgh University Press Ltd., 2006. P. 5.; Гак В.Г. К типологии лингвистических номинаций. – М., 1977. – С. 234.; Гак В.Г. Языковые преобразования. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1998. – 768 с.; Серебrenников Б.А., Уфимцева А.А. Языковая номинация (виды наименований). – М.: Наука, 1977. – 356 с.; Колшанский Г.В. Лингвогносеологические основы языковой номинации. – М., 1977. – С. 101.; Уфимцева А.А., Азнавурова Э.С., Кубрякова Е.С., Телия В.Н. Лингвистическая сущность и аспекты номинации. – М., 1977; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966. – С. 270; Кубрякова Е.С. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: Филол. ф-т МГУ им. М.В. Ломоносова, 1997. – 245 с.; Телия, В.Н. Вторичная номинация и ее виды / В.Н. Телия // Языковая номинация (Виды наименований). – М.: Наука, 1977. – С. 129 – 221; Ярцева, В.Н. Взаимоотношение грамматики и лексики в системе языка. – М.: Наука, 1968. – 458 с.; Земская, Е.А. Русская разговорная речь. Лингвистический анализ и проблемы изучения. – М.: Русский язык, 1987. – 237 с.; Рут М. Э. Образная номинация в русском языке. — Екатеринбург: Изд-во Урал, ун-та, 1992. — С.3; Кассирер Э., Якобсон Р., Ричардс А., Блэк М., Серль Дж., Вежбицка А., Ортони А., Лакофф Ж., Гудмен Н., и др. Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.58; Black M. Models and metaphors: Studies in language and philosophy. – Ithaca, 1962. – P. 5.

⁷ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 408 б.

⁸ Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. – Тошкент, 2018.

⁹ Бакиров П. Семантика и структура номинацентрических пословиц (на материале русского, узбекского и казахского языков). – Ташкент: Фан, 2006. – 297 с.; Бакиров П. Пословицы – энциклопедия народной жизни. – Ташкент: Академнашр, 2018.

¹⁰ Жўраева Б. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 2019.

¹¹ Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. док-ри. дисс. – Тошкент, 2009. – 252 б.

¹² Нормуродов Р. Ўзбек тилида иккиламчи номинация. – Тошкент, 2011.

¹³ Худайберганодал Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол. фан. док-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2015. –Б.18.

антропоцентрик назария, этнолингвистика, корпус тилшунослиги” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили метафоралари юзага чиқиш механизмининг когнитив қонуниятларини текшириш, метафорик ҳосила номлар орқали шаклланган концептларнинг олам миллий лисоний манзарасидаги ўрнини белгилаш, метафоранинг антропоцентрик табиатига баҳо бериш, уни билишнинг алоҳида усули, оламни категорияловчи муҳим лингвокогнитив феномен эканини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон метафорологиясида метафорик номинация назариясининг тадрижий таракқиётини ёритиш;

ўзбек тилшунослигида метафорани ўрганиш методологияси ва соҳа ривожининг асосий боқичларини белгилаш;

нейролингвистик кесимда метафоранинг инсон когнитив структураси ҳамда тил системасига дахлдорлигини асослаш, когнитив ва концептуал метафораларни ўзаро фарқлашга доир илмий қарашларни хулосалаш;

ўзбек лингвомаданиятида когнитив ва концептуал метафораларнинг ўрнини асослаш, уларнинг миллий лисоний ҳамда миллий концептуал манзараларни шакллантиришдаги ўрнини белгилаш;

метафоранинг номинатив, ҳиссий-баҳоловчи, когнитив, матн ҳосил қилувчи вазифаларини ёритиш ва шу орқали унинг билиш усули эканини далиллаш;

метафорик ном ҳосил қилиш усулининг ўзбек терминологиясида тутган ўрнини тасдиқлаш;

метафораларни тилнинг Миллий корпусида бериш тамойилларига баҳо бериш;

ўзбек тилшунослигида янги лексик-семантик сатҳ – метафорологияни ўз тадқиқ объектига эга мустақил соҳа сифатида эътироф этиш.

Тадқиқотнинг объектини ўзбек тили метафоралари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тили метафораларининг номинатив-когнитив вазифасини антропоцентрик кесимда текшириш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёслаш, интерпретация, тавсифлаш, фалсафий-гносеологик, лингвокультурологик, когнитив, нейролингвистик, герменевтик, психологик, дискурсив таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилшунослигида метафорани психоллингвистик, нейролингвистик, лингвокогнитив, лингвофалсафий асосда ўрганишининг назарий асослари етарли эмаслиги аниқланган;

метафоранинг олам илмий манзарасидаги ўрни ва ўзбек тилида терминлар ҳосил бўлишининг метафорик омили фрейм-таҳлил усулида текширилиб, термин-метафораларнинг терминологик тизимдаги концептуал асоси очиб берилган;

метафорани тил корпуси учун семантик разметкаланинг лексик бирликларни қидириш ва умумий саралаш усули контекстуал алоқадорлик тамойили асосида ёритилган;

ўзбек сиёсий-ижтимоий, публицистик, бадий, илмий дискурслари мисолида метафорадаги номинатив хоссанинг инсон когнитив структураси билан узвий боғлиқлиги нейролингвистик усулда асосланган;

метафоранинг антропоцентрик табиати табиий ва сунъий интеллектнинг ахборотни қайта ишлаш қобилиятини зидлаш усули асосида исботланган;

ўзбек тилшунослигида янги лексик-семантик сатҳ – метафорологияни ўз тадқиқ объектига эга мустақил соҳа сифатида эътироф этишга доир хулосалар далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик талқини; ўзбек тилида метафоранинг моҳияти ва номинатив функцияси; когнитив ва концептуал асослари, ўзбек тили терминларининг ясалиш тизимида терминларнинг метафорологик йўл билан ҳосил бўлиш усули; ўзбек тили метафораларининг нутқ маданиятини юксалтиришдаги ўрни ва уларнинг қўлланилиши, ўрганилишига доир илмий-назарий маълумотлар психоллингвистика, нейролингвистика, когнитив тилшунослик, корпус лингвистикаси, умумий тилшунослик каби фанлар бўйича яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мазмунан бойишига хизмат қилиши асосланган.

метафорик номинативларнинг шарҳига оид назарий хулосалар ўзбек метафорологияси, лингвокультурологияси, когнитив тилшунослиги бўйича тузилган луғатларнинг янада мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лингвистик таҳлил методологияси негизида шакллантирилгани, жумладан, ўзбек тилшунослигида метафорани ўрганишнинг лингвистик парадигмалар кесимидаги ўрни назарий манбалар ёрдамида атрофлича очиқ берилганлиги ҳамда шу асосда унинг лингвокогнитив мавқеи белгиланганлиги, метафора пайдо бўлишининг антропоцентрик сабабияти бой далилий материалларга таянган ҳолда чуқур тадқиқ этилганлиги билан белгиланади. Шунингдек, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилшунослигида антропоцентрик йўналиш доирасидаги янги тадқиқотлар учун илмий-назарий манба бўла олиши билан белгиланади;

жумладан, метафорик номинативларнинг ҳосил бўлиш механизми, метафораларнинг когнитив табиати, уларнинг ўзбек дискурсида қўлланилиши, метафораларни тил корпусида лексик-семантик разметкаланишга оид назарий маълумотлар метафорология, лексикология (семасиология), психоллингвистика, когнитив тилшунослик, лингвокультурология, корпус лингвистиканинг ривожига хизмат қилади;

шунингдек, ўзбек тилида метафораларнинг пайдо бўлишига тағзамин вазифасини ўтаган когнитив метафора билан концептуал метафора бўйича мукамал билимга эга бўлишга имконият яратганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса тадқиқот материалларидан олий таълимда «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Лингвокультурология», «Когнитив тилшунослик» «Корпус лингвистикаси», «Психолингвистика» каби курсларни ўқитиш ҳамда шу фанларга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида метафораларни антропоцентрик кесимда ўрганишдан олинган натижалар доирасида:

ўзбек тилида метафоранинг моҳияти ва номинатив функциясини аниқлаштириш; ўзбек тили терминологик тизимида метафоранинг мустаҳкам ўрнини асослаш ҳамда ўзбек тили терминологияси тизимида терминларнинг метафорологик йўл билан ҳосил бўлишини алоҳида усул сифатида эътироф этиш билан боғлиқ назарий асослардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г041 рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш” номли фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Фанлар Академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги №3/1255-2454-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа материаллари терминлар ҳосил бўлишининг метафорик усули ўзбек тили сўз ясаиш тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнига эгаллигига оид янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

туркий тиллар қатори ўзбек тили сўз ясаиш тизимида мавжуд лексик-семантик бутунликларнинг ҳосил бўлиши, номинатив назария доирасида метафорик ном-терминларни ҳосил қилиш усулининг ўзбек тили мисолидаги ҳолатини асослаш ва тасдиқлашга доир назарий маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясаиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 1 январдаги 04-01-сонли маълумотномаси). Натижада метафоранинг олам илмий манзарасини шакллантиришига ва туркий тиллар қатори ўзбек тилидаги терминлар ҳосил бўлишининг метафорик асосига оид билимларнинг мукамаллашувига эришилган;

туркий тиллар қатори ўзбек лингвомаданиятида когнитив ва концептуал метафораларнинг ўрнини асослаш, уларнинг миллий лисоний ҳамда миллий концептуал манзаралардаги ўрнини далилловчи хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-А1-Г007

“Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий илмий лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимидининг 2020 йил 1 январдаги 04-01-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа материаллари лингвокультурология ва когнитив тилшунослик, умумий тилшунослик каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларни мукамаллаштиришга хизмат қилувчи янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиған;

метафораларни тилнинг Миллий корпусида бериш ҳамда уларнинг номинатив табиатини луғатчилик доирасида тадқиқ этишга доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг Фундаментал тадқиқотлар бўйича 2015-2016 йилга мўлжалланган ФА-ИЗ-Г009 “Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи” китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш” инновацион лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (ЎзР Фанлар Академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги №3/1255-2454-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар “Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати”да бадий матнда ономастик метафора вазифасида қўлланган номларни изоҳлашга татбиқ этилган ҳамда луғат сўзликлар изоҳининг янада мукамаллашувига эришилган;

ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тилшунослик доирасидаги тадқиқ қўламини кенгайтириш ҳамда тадқиқ натижаларини илмий-таълимий жараёнга тадбиқ этиш; ўзбек тили метафораларининг нутқ маданиятини юксалтиришдаги ўрнини асослаш ҳамда уларнинг қўлланилиши, ўрганилишига оид илмий хулоса ва тавсиялардан Сурхондарё телевидениесининг “Тил – миллат кўзгуси”, “Долзарб мавзу” кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда (Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 июлдаги 01-01/146-сонли маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада мазкур телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, шулардан 3 таси Республика илмий-амалий анжуманлар, 2 таси хорижий халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола (шу жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 258 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Метафора ва ном масаласи илмий тадқиқ объекти сифатида”** деб номланган биринчи боби ўзида номинация назарияси, Антик давр метафорологиясида метафора ва исм (ном)га оид баҳслар, метафорик номинациянинг ўрганилиш тарихи, жаҳон метафорологиясида номинация назарияси, Янги давр метафорологиясида метафоранинг номинатив хусусиятларига доир тадқиқотлар муҳокамасига оид масалаларни жамлайди.

Номинация назарияси ва умуман, ономаσιологияга ёндашув антик даврларда Платон, Аристотел, Диоген Бобиллик, Варрон томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади. Тилшуносликда ном(номинация) масаласи узок тарихга эга бўлиб, исм объектни шартли белгилаш, белгиланаётган предметга нисбатан муносабат қоидалари ёки инсон характери ва ҳатти-ҳаракатларини тушунтириш, англиш воситаси бўлган¹⁴.

Исм, номинация тўғрисида Афлотун қарашлари ҳам салмоққа эга бўлган¹⁵. У бундайин ёндашувни тўғри деб топади ва ҳар бир буюмга мос келувчи номда образлик мавжуд деб билади. Ушбу идеал образ ўзида шакл ҳосил қилувчи тамойилни акс эттиради. Афлотунга кўра, исм – буюмнинг идеал тасавури ҳамда тақлид қилишдан иборат иккита ўзаро ўхшаш бўлмаган жараённинг ҳосиласидир¹⁶.

Антик фалсафа сўз (исм)нинг семантик аспекти мантиқ ва онтологияга мансуб деб билади, сўзнинг фақат фонетик томонигина унинг томонидан нутқий ҳодиса деб олинади.

Номинацияга доир қарашлар XX асрга келиб ўзининг жиддий тадқиқини топди. Асрнинг иккинчи ярмида номинациянинг иккиламчи, ҳодисавий, жумлага оид, анафорик, билвосита турларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу даврга келиб номинатив бирликлар қаторига нафақат лексемалар, балки гапга тенг жумлалар, турли окказионал воситалар киритилди. Бу борада Н.Арутюнова, В.Гак, Е.Кубрякова, Г.Колшанский, Б.Серебренников, Ю.Степанов, В.Телия, А.Уфимцеваларнинг хизмати катта бўлди¹⁷.

XX асрда номинация назарияси тилшуносликка ёндош соҳаларнинг ҳам ўрганиш объектига айланди. Жумладан, натуралистик (биологик)

¹⁴Амирова Т. А., Ольховиков Б. А., Рождественский Ю. В. История Языкознания. – М., 2005. – С. 21-22.

¹⁵Аверинцев С. С. Риторика и истоки европейской литературной традиции. – М., 1996; Богатырева Е. Д. Учение о художественной речи у Аристотеля (К вопросу о понимании языка и стиля в античности).

¹⁶ Богатырева Е. Д. Учение о художественной речи у Аристотеля (К вопросу о понимании языка и стиля в античности). www.phil63.ru/files/.

¹⁷Серебренников Б.А., Уфимцева А.А. Языковая номинация (виды наименований). – М.: Наука, 1977. – 356 с.

тилшуносликда (А.Шлейхер, М.Рапп, М.Мюллер, А.Овелак) номинация ўз-ўзидан пайдо бўлувчи, инсон иродасига боғлиқ бўлмаган, *эволюцион жараён*; нейролингвистиканинг мураккаб психик жараён билан боғлиқ бўлган тадқиқ объекти (А.Лурия, Н.Жинкин, С.Кацнельсон)¹⁸. психоллингвистик жиҳатдан лисоний-нутқий бирликларнинг амалдаги жараёнларда вужудга келиши (Д.Кларк, Дж.Гринберг) ва қабул қилиниши (И.Зимняя, А.Леонтьев) сифатида текширилди. Ҳар икки – психоллингвистик ва нейролингвистик ёндашув бош мия фаолиятини тил тизимига нисбатан ўрганишни мақсад қилади. Шу жиҳатдан метафорик номинация масаласи ўз долзарблигини йўқотмай келмоқда.

Антик даврларда метафорани оламни англашнинг алоҳида усули ва воситаси сифатида кўрсатиш Аристотел (шунингдек, Цицерон)га тааллуқли ғоядир¹⁹. Бу даврда маъно кўчимларини тасниф этишдаги илк қадамлар кўйилди: метафоранинг исмлар (умуман сўзлар) қаторидаги ўрнини аниқлаш, метафоранинг “ноодатий” феномен табиатини текшириш сингари масалалар шулар қаторидандир. Деметрий Фалерский Цицерон, Квинтилиандан ўзга тарзда, илк марта метафора орқали буюмлар тўғрисидаги маълумотни аниқ ва равшан етказиш мумкинлигини пайқади. Метафоранинг вазифавий мезони ўрнида метафоранинг қўлланиш мақсадларини кўрган Квинтилиан, «Исм ёки феъл ўз ўрнидан у етишмаётган ёхуд ундан афзал бўлмаган номлар ўрнига кўчирилади»²⁰ деб ҳисоблайди. Квинтилианга кўра, метафора қуйидаги ҳолларда ишга туширилади: 1)ўз номига эга бўлмаган предметни номлаш (заруратидан) учун (замонавий таснифга кўра номинатив метафора (*necesse est*)) – *қаттиқ одам*; 2)объектга нисбатан муносабатни ифодалаш, баҳолаш учун (нутқни жозибадор қилишга таъсир кўрсатади) – баҳоловчи метафора (*signifiantius est*) – *нафрати оловланди*; 3)нутқни безаш учун (нутқни гўзаллаштириш учун) – декоратив метафора (*ad ornatum*) – *сўзамоллик дарёлари*²¹.

Антик метафорологияда метафора ном кўчишининг ҳар қандай тури (Аристотел); метонимиянинг зиди (Квинтилиан) сифатида қаралиб, унинг: *номинатив, баҳоловчи, декоратив* вазифаси тавсифланган. Аристотелнинг қўлёзмаларида *референция, моҳият, ҳақиқат* тушунчалари деярли тилга олинмайди. Шунга қарамай, Аристотелнинг метафора ва ҳиссий билиш тўғрисидаги концепцияси, ўз даври ҳамда бугунги давр учун ҳам модернистик ғоя бўлиб қолади.

Когнитив тилшунослик ҳам метафорик номинация назариясига бефарқ эмас (Ж.Лакофф, Р.Лангакр, Н.Хомский, Л.Тэлми, У.Крофт, Л.Лузина,

¹⁸ Лурия А.Р. Основные проблемы нейролингвистики. – М.: Директ-Медиа, 2008. – 547 с.

¹⁹ Дорофеева А.А. Что скрывается в тайне метафоры? (О подходах к изучению метафоры западными учеными в XX в.) / Вестн. Моск. ун-та. Сер. 19. Лингвистика и межкультурная коммуникация. 2014. № 4.

²⁰ Quintilianus M. Fabius. Institutiones oratoriae. Libri duodecim. Lipsiae, 1887. (VIII, 6, 6).

²¹ Прокопчук О.Г. Развитие представлений о метафоре в античной риторической традиции. (Аристотель и Квинтилиан). Вестник Беларускага дзяржаўнага ўніверсітэта. Серыя 4, Філалогія. Журналістыка. Педагогіка. - 2009. - N 2. - С. 75-78.

<http://elib.bsu.by/handle/123456789/5595>

В.Маслова, Ю.Панкрац, В.Демьянков, Е.Кубрякова²²). Когнитивистлар бу борада номинацияни тил формаларининг уларнинг когнитив муқобилларига нисбати ёки воқеликнинг объектив тарзда идрок этилиши билан боғлиқ жараён ва шу жараённинг натижаси сифатида тушунтирадilar. Предметни билиш жараёни унинг номинацияси билан боғлиқ бўлиб, белгининг юзага келиши билан кечади. Маъно антропоцентрик характерли бўлиб, ўзида инсон табиатининг хусусиятларини акс эттиради. У, шунингдек, эгоцентрик – этник хусусиятли ҳамдир. Айни бир тилда оламни унинг борича тасвирлаш мумкин эмас: ҳар бир тил аввал-бошдан унинг соҳибига муайян олам манзарасини тақдим этади (А.Вежбицкая). Бинобарин, метафорик номинацияда антропоцентрик сабабият илгари сурилади.

Маълумки, метафора тадқиқига доир жараёнлар тарихан силлиқ кечмасдан, ҳатто XVIII-XIX асрларда бу ҳодисага қизиқиш деярли сўнган²³. Бироқ XIX аср охири ва XX аср аввалидаги технократик жамиятнинг юзага келиш жараёни когнитив фанларнинг ривож, Америка лингвистик мактаблари ва йўналишларининг кучли таъсири остида метафорани янгича нигоҳ билан жиддий ва чуқур текшириш заруратини юзага чиқарди²⁴.

“Метафораларни антропоцентрик йўналишда текшириш зарурати” деб номланган иккинчи бобда ўзбек тилшунослигида метафорани антропоцентрик талқинда тушунтириш зарурати ва метафоралар таснифида антропоцентрик талқин, когнитив ва концептуал метафора таснифига доир ёндашувлар муҳокама этилади.

Ўзбек тилида метафораларни ўрганишнинг тарихи асосан Шарқ мумтоз адабиёти ва фалсафа мактабларига тақалади (Ибн Халдун, Умар Родий, Рашидиддин Ватвот, Қайс Розий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Шайх ибн Худойдод Тарозий, кейинчалик Фитрат)²⁵. Тилшунос О.Каримов келтирилган далилларни давр нуқтайи назаридан таҳлил қила туриб, метафора борасидаги қарашларнинг асрдан-асрга тараққий эта борганини қайд этади²⁶.

XX аср ўзбек тилидаги маъновий ҳамда ном кўчиши билан боғлиқ ҳодисалар дастлаб рус тилшунослиги таъсирида тушунтирилган. Бу асрнинг ўрталарида ўзбек семасиологиясида шаклланган лингвистик қарашлар том маънода рус тили лексикологияси ҳамда фразеологияси билан боғлиқ қонуниятларга ниҳоят даражада уйғун. Хусусан, рус тилшунослигида метафораларни семасиологиядан фарқли, услубият доирасида ўрганиш, бу ҳодисани фразеологик бирликлардан айро ҳолда тушунтиришга интилишлар кузатилиб²⁷, бу борадаги ёндашувларни зинҳор танқид остига олиш мумкин

²² Кубрякова Е.С. Краткий словарь когнитивных терминов / Е.С. Кубрякова, В.З. Демьянков, Ю.Г. Панкрац, Л.Г. Лузина. – М.: Филол. ф-т МГУ им. М.В. Ломоносова, 1997. – С. 53-55. – 245 с.

²³ Литературный энциклопедический словарь. – М., 1987. – С. 446.

²⁴ Кассирер Э., Р.Якобсон, А.Ричардс, М.Блэк, Дж.Серль, А.Вежбицка, А.Ортони, Ж.Лакофф, Н.Гудмен, и др. Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С.58.

²⁵ Қобулова У.С. Метафорик матнда интеграл ва дифференциал семалар муносабати (ўзбек халқ топишмоқлари мисолида): Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2007.

²⁶ Каримов О.Я. Абдулла Орипов шеърятда метафорик образлар тизими: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2012.

²⁷ Рус фразеологиясининг етук вакили В.В. Виноградов ўз қарашларида сўзнинг фразеологик ва метафорик табиатини юксак илмий савия ва маҳорат билан ажратади: бунда олим яқка ҳолда келган *петух* предикат-

эмас. Антик давр метафизик таълимотлари, диалектик фалсафа таъсирида бўлишига қарамай, бу давр тилшунослиги метафорани тафаккур ҳодисаси сифатида идрок этишга анчайин ожиз эди. Гарчи метафора (истиора)га оид нодир қарашлар XV асрда ҳам мавжуд бўлиб, улар илми бадий (адабиётшунослик, риторика) доирасида амалга оширилган тадқиқотлар ҳисобланади²⁸ ва улар ўзбек тилшунослигида метафоранинг тарихий тадқиқига назар ташлашга имкон беради, холос. Шунга қарамай, XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек тилшунослигида тилнинг ифода воситаларини текшириш доирасида метафорага ҳам нисбатан теран, антик давр қарашларидан йироқ бўлмаган тавсифлар берилди (М.Мукаррамов²⁹, С.Каримов³⁰ ва б.). Таҳлиллар XX иккинчи ярми ва XIX аср дастлабки ўн йилликлари ўзбек тилшунослигида метафорик жараёнларнинг асосий 3 (анъанавий, систем-структур ва антропоцентрик) йўналишда ҳамда 8 та аспектда ўрганилганини кўрсатди. Булар: семасиологик³¹; лексикологик³²; стилистик³³ (хусусан, лингвопоэтик

тавсифловчи сўзини метафора (“*забияка*” в применении к человеку) деб қарайди ва уни ФБ деб ҳисобламайди. Негаки, мазкур бирликни ФБ дея ҳисоблаш учун *печух* ўзига хос фразеологик оборотли бирикманинг таркибий аъзоси бўлиб келиши шарт (масалан, *пустить печуха* (қўшиқчи ҳақида), *пустить красного печуха* (жиноий ҳаракатга ишора. – жарг.) сингари). Бинобарин, бу ерда олимнинг фразеологик семантикани аниқлашга доир қарашлари ҳарқандай қусурдан ҳолидир. Бироқ мазкур қарашлар баёнида ФБларнинг кўчма маъноли сўзлар эвазига қарор топиши ҳамда бу ўринда метафорик жараённинг бу борадаги иштирокини алоҳида қайд этмаслик, метафорик маънони фразеологик маънодан ажратиш ҳолатини қайсидир маънода ФБларнинг семантик шаклланиш жараёнида метафоранинг иштирокини “унутиб қўйиш” деб ҳисоблаш мумкин. Қаранг: Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1977. – С. 184 (- 312 б.); Виноградов В. В. Основные типы лексических значений слова // Вопросы языкознания, 1953. № 5.

²⁸ Хусайний Атоуллох. Бадойиъу-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981.

²⁹ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.11. – 90 б.

³⁰ Каримов С.А. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994.

³¹ Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1999; Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси / М.М.Миртожиев; масъул муҳаррир А.П.Ҳожиев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2010. – 288 б.; Раҳмонов Ғ.Р. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Фарғона, 2018; Қобулова У. Метафорик матнда интеграл ва дифференциал семалар муносабати (ўзбек халқ топишмоқлари мисолида): Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2007 ва б.

³² Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. № 4. – Тошкент, 1964; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. – Тошкент, 1966; Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – 316 б.; Қўчқортоев И. Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги: Филол.фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1975; Пинхасов Я. Фразеологик иборалар ва уларни таҳлил қилиш // Совет мактаби, 1960. № 11; Пинхасов Я. Ўзбек тили фразеологиясининг баъзи бир масалаларига доир // Вопросы фразеологии, 1961; Самадов Қ. Фразеологиянинг пайдо бўлишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1960. № 4; Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология ва фразеология // Педагогика институтлари филология факультетларининг сиртки бўлим студентлари учун қўлланма. – Тошкент, Ўқитувчи, 1969; Миртожиев. Полисемиялардан омонимларнинг келиб чиқиши ҳақида // Тилшунослик масалалари, 1960. 1- китоб; Мукаррамов М. Метафора ясовчи ўхшатиш воситаларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971. № 1; Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1973; Муродий Т. Истиора // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, № 6; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. – 90 б.; Ҳайитова Ф. ва бошқ. Ўзбек тилида метафора ҳодисасининг айрим томонлари / Туркий тиллар тараққиёти муаммолари. Илмий асарлар тўплами. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 85-90; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: Филол.фан.док-ри дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек тили (кириш, фонетик сатх, лексик-семантик сатх) / дарслик. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2018. – 200 б.; Семантика и структура номинацентрических пословиц (на материале русского, узбекского и казахского языков). – Ташкент: Фан, 2006. – 297 с. ва б.

³³ Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1974; Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981; Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983; Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Нутқ маданияти асослари, I, II, III қисм. – Самарқанд, 1985, 1986, 1987; Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. – Самарқанд,

аспектда³⁴), систем-структур³⁵, антропоцентрик йўналишда (хусусан, когнитив, лингвокультурологик, социопсихоллингвистик, прагматик³⁶ ёндашув асосида)³⁷, лексикографик аспектда³⁸.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб узок ўн йилликлар давомида метафора нутқнинг таъсирчанлигини оширувчи ва уни зийнатловчи ҳодиса сифатида текширилди. Унинг таснифига доир илмий қарашлар ниҳоят даражада чегараланган бўлиб, бу ҳодисага тамомила янгича ёндашув аср ниҳоясидагина юзага чиқа бошлади. Шунга қарамай, илгаридан бўлгани каби, бу давр метафорологияси формалликдан йироқ кета олмай, метафорани фақат субстанция, ташқи қобик, нутқнинг тайёр маҳсули деган таълимотдан узоклашмади. Оқибатда метафора остидаги яширин моҳият англономасдан қолаверди.

1985; Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент, 1985; Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Тошкент, 1993; Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. – Тошкент, 1988; Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Тошкент, 1993; Бегматов Э., Турсунпўлатов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. – Тошкент, 1992; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент, 1992; Каримов С.А. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994; Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси: монография. – Тошкент: Фан, 1990; Лапасов Ж. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Умиров И.Э. Ўзбек тили парафразалари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1998. – 200 б.; Чориев Т. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби(лексика ва фразеология):Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 2001; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг метафорадан фойдаланиш маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. 6-сон. – Б. 68-69; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол.фан.док-ри дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Хасанов А.А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадиийлигини таъминловчи лексик-стилистик воситалар: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2010; Абдиев А.Т. “Алпомиш” достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Нукус, 2011; Кадирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2012; Yo‘ldoshev M. Badiiy matnning lisoniy tahlili: Metodik qo‘llanma. – Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. - 112 б.; Каримов С. Ўзбек тили функциоал стилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. -192 б.; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Монография. – Самарқанд, Зарафшон, 1992. - 140 б.

³⁴ Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90- йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Элтазаров Ж.Д. Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув. – Самарқанд: СамДУ, 2004. – 110 б.; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Каримов С. Зулфия асарлари лингвостилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. -120 б.; Каримов О.Я. Абдулла Орипов шеърятда метафорик образлар тизими: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2012; Қурбонова М. Матн тилшунослиги. – Тошкент: Университет, 2014. – 116 б.

³⁵ Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол.фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

³⁶ Тоҳиров З. Метафора лексема семемасининг прагматик семаси//Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. – Б. 73-77.

³⁷ Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. док-ри дисс. автореф. – Тошкент, 2015; Хажиев С.К. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Қурбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2009; Юлдашев А.Г. Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив тадқиқи. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. - 192 б.; Махмараимова Ш.Т. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафораларнинг когнитив аспекти: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Қарши, 2018; Насруллаева Г. Антропоцентрик метафоранинг лингвомаданий, коммуникатив, прагматик аспекти: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Қарши, 2018.

³⁸ Худайберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2016; Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2018.

XX асрнинг 80-йиллари АҚШ тилшунослик мактаби ва когнитивизмдаги “портлаш” рус тилшунослигига ўз таъсирини ўтказа бошлагач, ўзбек тилшунослигида ҳам тафаккурнинг ушбу феномен мўъжизасига эътибор қайта жонланди, уни ноанъанавий йўналишларда текширишга иштиёқ кучайди.

Ўзбек лексикологияси, семасиологиясининг йирик ва кўзга кўринган атоқли намояндаси, профессор М.Миртожиевнинг бу борадаги хизматлари бекиёс. Хусусан, номинатив ва ҳосила маънолар, фигурал маъноларни ажратиш, лексик маъно асосидаги референтлараро алоқадорликнинг намоён бўлиши сингари нозик жиҳатлар олим томонидан юксак синчковлик билан, мавжуд назарий қарашлар мисолида юқори танқидий руҳда шарҳланган.

Метафорани ном ва маъно кўчимлари орасидан алоҳида ажратиб олиб, янги йўналишларда ўрганиш иккинчи минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда ўзбек тилшунослигининг кўзга кўринган вакиллари томонидан метафорани нутқий ҳосила эмас, тафаккур ҳодисаси сифатида текширишга оид прогрессив аҳамиятли қарашлар илгари сурила бошлади (А.Ҳожиёв³⁹, Н.Маҳмудов⁴⁰). Н.Маҳмудов тилшунослар томонидан когнитив ва лисоний метафоранинг ажратилишини танқид қиларкан, лисоний метафоранинг когнитив метафорасиз юзага келишини мантиқдан ташқарида деб ҳисоблайди⁴¹. Бинобарин, луғат таркибидаги ҳар қандай атов бирлиги муайян номинатив жараённинг натижаси, маҳсулидир.

Иккинчи минг йиллик бошларида ўзбек тилшунослигининг ривожидан янги қарашлар муҳим аҳамият касб этиб, метафорани англашда илк ноанъанавий таълимотлар илгари сурилди (Г.Қобулжонова, Г.Насруллаева⁴², С.Ҳажиев⁴³ ва б.). Шунга кўра, иккинчи минг йилликнинг боши жаҳон тилшунослиги ва ўзбек тилшунослигида метафорани антропоцентрик, хусусан, когнитив томондан ўрганишнинг илк босқичи бўлди.

Антропоцентрик ғояларни ўзбек тилшунослигига илмий жиҳатдан том маънода тўғри, моҳиятини теран англашиб олиб кирган тилшунос олима Д.Худайберганова замонавий метафорологиянинг ғояларига уйғун ҳолда, метафорадаги антропоцентрик табиатга урғу беради. Когнитив метафорани билиш, тушунчани категориялаштириш, концептуаллаштириш, баҳолаш ва оламни тушунтиришнинг самарали усулларида бири сифатида баҳолаб, уни шахс когнитив фаолиятига тегишли, бир тушунча ёки ҳукм ҳақидаги билим тузилмалари асосида иккинчи тушунча ёки ҳукмни концептуаллаштириш ҳодисаси сифатида таърифлайди⁴⁴.

Мазкур бобда, шунингдек, М.Кожина, П.Ньюмарк, В.Москвин, Н.Арутюнова, М.Журинская, Т.Скрёбцова сингари тилшуносларнинг метафора борасидаги таснифлари ўзбек тили материаллари асосида

³⁹ Каримов С.А. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994.

⁴⁰ Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: “Mumtoz so’z”, 2017.

⁴¹ Маҳмудов Н. Термин, образли сўз ва метафора // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. – № 4. – Б.3-6.

⁴² Насруллаева Г.С. Антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвимадавий аспекти: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2019.

⁴³ Ҳажиев С.К. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2007.

⁴⁴ Худайберганова Д. С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Фил. фан. док-ри диссертацияси. – Тошкент, 2013. – Б.74-80.

тушунтирилди ҳамда когнитив метафора, концептуал метафора, антропоцентрик метафора терминларига шарҳ берилди.

Умумий ҳолда метафорани антропоцентрик тушуниш унинг негизида камралган қуйидаги моҳиятларни теран англаш имконини беради (1-жадвал).

Метафоранинг хоссалари фанлараро кесимда қуйидаги тадқиқ объектини ташкил қилади: 1)метафоранинг табиати ва моҳияти – эссенциал йўналиш (фалсафий ва мантикий метафорология, когнитив фанлар); 2)атрибутив хусусиятлари (лингвистика, когнитив фанлар, герменевтика); 3)каузал хусусиятлари (тил тарихи, маданият тарихи, этология тарихи); 4)структуравий жиҳатлари (когнитив фанлар ва интерпретацион семантика); 5)вазифавий хоссалари (герменевтика ва нутқий коммуникация назарияси)⁴⁵.

Ушбу боб доирасида “когнитив метафора” ҳамда “концептуал метафора” терминларига Ж.Лакоффнинг когнитив парадигма борасидаги таснифи, шунингдек, Н.Арутюнова, В.Телия, О.Буйноваларнинг бу турдаги метафораларга оид қарашлари негизида шарҳ берилди. Жумладан, концептуал метафора инсон тафаккурининг тушунчалар, мулоҳаза ва хулосалаш билан кечувчи жараёни бўлса, когнитив метафора бош миянинг нейрофизиологик субстратини ифода этади (2-жадвал).

2-жадвал

| Метафора тури | Белгилари | Хусусияти | Локуси |
|----------------------------|---|---|---|
| Концептуал метафора | манба ва нишон концептуал соҳалари ўртасидаги ментал проекцияларни намоён этади | инсон тафаккурининг тушунчалар, мулоҳаза ва хулосалаш билан кечувчи жараёнини ифода этади | ақлий фаолият, тафаккурдаги тушунчавий жараён |
| Когнитив метафора | нейрофизиологик фаолликнинг нейронлар фаоллашуви даражасидаги жараёнлар билан боғлиқ механизм сифатида талқин этилади | бош миянинг нейрофизиологик субстратини ифода этади, янги маъноларни кашф этади | бош миянинг нейрофизиологик субстрати |

2-жадвал. Концептуал ва когнитив метафоранинг ўзаро фарқли жиҳатлари (Ж.Лакофф, АҚШ ҳамда рус тилшуносларининг таснифи бўйича)

Тадқиқотнинг “**Метафора: атов занжири ва ҳосила номинация**” деб номланган учинчи бобида метафоранинг когнитив ахборот тараққиётининг маҳсули сифатидаги шарҳи, бирламчи ва ҳосила номинация, фанда *номинатив занжир* тушунчаси, номинациянинг аппроксимацион турида метафоранинг ўрни, ўзбек тилида метафоранинг номинатив вазифаси, ўзбек сиёсий-


⁴⁵ Лагута О.Н. Метафорика: границы исследовательского объекта. – Новосибирский государственный университет, 2010.

ижтимоий, публицистик дискурсида метафоралар, метафорик моделлар ва номинациялар, метафора ва эзотерик талқинли номинациялар, “Инсон” концепти ва унинг муаллиф реалиясидаги ифодаси (*саратон* метафораси мисолида), табиат реалияларининг вербаллашувида метафорик номинациялар антропоцентрик табиатининг уйғунлиги, ўзбек метафорасининг лингвомаданиятлар кесимидаги ўрни (техноморф ва теоморф метафоралар мисолида) борасида баҳс юритилди.

Когнитив ахборот нейронлараро таъсирланиш эвазига тараққий этади ва пировардида, лисоний сатҳда жами лингвистик ва экстралингвистик омиллар эвазига концептуаллашади. Матн ясалишини бу тоифада тушуниш олимлар томонидан онгдаги мавжуд мозаик шаклланишга йўналиш беради. Сўзнинг маъносини ахборот билан қиёслаган И.Нарский, ахборотнинг маънога нисбатан кенг эканини таъкидлайди. Негаки, ахборот даврий жиҳатдан тўлғазилиб борадиган ҳодиса ва унда “рост-ёлғон” деган мезонга амал қилинмайди⁴⁶. (Тадқиқотнинг ушбу қисмида ўзбек тилидаги *аёл* концептини гавдалантирувчи констант тушунчаларнинг яхлит образ, рамз, белги сифатида шу лексеманинг метафорик оборотли ҳосила номини юзага келтиришига доир вазият лингвокогнитив жиҳатдан таҳлил қилиб берилди).

Ахборотнинг қайта ишланиши нейронлар эвазига содир бўлади (1-, 2-расм).


1-расм



1-расм. Ахборотнинг мияда қайта ишланиши:

- 1) W_n – кировчи сигнал (ахборот), 2) Σ - жами (сумма), 3) f – қайта ишлов (синтез-анализ), 4) чиқувчи сигнал

⁴⁶ Нарский И.С. Критика неопозитивистских концепций значения. – В кн.: Проблема значения в лингвистике и логике. – М., 1973.



2-расм. $t1$ ва $t2$ (x_1, x_2, x_n) вақт оралиғида каналлар нисбатан “таъсирланган” ва “таъсирланмаган” ҳолатда бўлишига доир вазият: t - вақт оралиғида фаоллашган каналларнинг миқдорига кўра кейинги каналларда “уйғониш” содир бўлади⁴⁷

Юқоридаги, нейронлар сатҳидаги ахборотлар кесишувининг фикрда метафорани шакллантиришига оид ҳолатлар том маънодаги эмпирик хоссали жараёнدير.

С.Кацнельсон фикрига кўра, сўз маъносидаги ҳиссий-тасвирий мазмун эмпирик хусусиятли бўлиб, маънонинг ўзагини ташкил қилиши мумкин⁴⁸. Мазкур эмпирик табиат инсон 1- ва 2-сигнал системасининг ўзаро чамбарчас фаолиятининг яққол далилидир. И.Павлов таълимотида мия катта ярим шарлари бўйлаб силжувчи, ҳажман ўзгарувчан ёруғ кўланка билан боғлиқ “ёруғ доғ” назарияси бошқа жаҳон тилларида бўлгани сингари, ўзбек тилида ҳам *фикр чақнашига* монанд метафорик номларни ҳосил қилган. Бу ифодаларнинг юзага келиш сабаби ҳам айнан миядаги ҳар доимгидан аниқ ва равшанроқ фикрнинг ёруғлик тезлигида пайдо бўлиши билан изоҳланади: *Агар сизда стартап бўлса – энг аввало, тез ўзгарувчан бозорга чақмоқ тезлигида жавоб бера олиш учун, сиз тезкор ва оператив бўлишингиз керак* (Интернет материали); *Фавқулодда ҳолатларда, бутун дунё сенга умид билан тикилаётгандек бўлиб туюлганида, ҳар доим бўладигандек бирдан ҳаммаси ярқ этиб аён бўлди* (М.Норбеков, Тентакнинг тажрибаси) сингари. Шу ёруғ доғга монанд нутқимизда мавжуд *фикри чақноқ, чақмоқ фикрлар, бирданига фикрида чақмоқ чақнади, ялт этиб мияга келмоқ, миясида чақмоқ чақнаб кетди (бугун миямда фикр учқуни чатнаб ўтди), шуурида... деган фикр ярқ этибди* ифодалари топқирлик, ҳозиржавоблик, заковат билан бир вақтда ҳушёрлик, огоҳлик, кўрқув белгиси ҳам ҳисобланади: *Зайнабнинг хаёлига «Адам?!» деган фикр чақмоқ ўти каби бир урилди-ю, аммо дарров сўнди* (Т.Малик, Шайтанат). *Фикри чақноқлик* сифат

⁴⁷ Арбиб М. Метафорический мозг. – М.: УРСС, 2004. – 300 с. – С. 20.

⁴⁸ Стернин И.А. Проблемы анализа структуры значения слова. – Воронеж: Воронежский университет, 1979.

белгиси ўрни билан бадийий дискурда персонификацияни намоён қилади:
Буюк зотлар – ярқираган ҳур чақмоқ.

Ментал-ҳиссий кўламда мавжуд вақтга қадар анланмаган, актуаллашмаган тушунчалар метафорик жараёнда лингвокогнитив вазиятга мос тарзда концепт хусусиятини касб этиб боради. Бироқ бунда метафора мавжуд тушунчанинг таркибини батамом қайта қурмайди, шакллантирмайди, унинг таркибини янгиламайди: метафора мавжуд семантик майдоннинг ўзини унга муқобил семаларга ишора қилган ҳолда, номинатив ресурс сифатида жараёнга тадбиқ этади. Яъни сўз семантик қурилишига дескриптив жиҳатдан таъсир ўтказиб, бир маънони иккинчи маъно билан алмаштиради. Натижада тил тизимида битта номинатив асосида ҳосила маънони намоён этувчи иккинчи номинат (одатда, омонимлар) юзага келади.

Диссертациянинг бу қисмида Д.Фивегернинг номинатив занжир (НЗ)га тегишли қарашлари муҳокама этилди. Хусусан, дастлабки ёдга олиш ва унинг содда такрор шаклидаги рекурренцияси, олмош ҳамда турли даражадаги мураккаблиқдаги лексик элемент билан семантик эквивалентлик асосидаги алмашинув орқали ўрнатиладиган изотопия муносабатларига номинатив занжир деб аталади⁴⁹. Д.Фивегернинг бирламчи номинациянинг нисбатан аниқ характерли экани борасидаги фикрига нисбатан 1-, 2-, 3-вазиятлар таҳлил қилинди. Хусусан, дастлабки номинация остида назарда тутилган мавҳум объект НЗнинг навбатдаги компонентлари кўмагида ойдинлашади. Номинатив жиҳатига кўра, матн изотопик тўрдан иборат бўлиб, у матн мазмунининг тўлиқ очилиши, қаралаётган объект тўғрисида тегишли ахборотга эга бўлиб боришнинг асосий омилidir.

А3 компонентларининг алоқадорлигига доир 1-ҳолат (аралаш типли).

Мисол: ***Кардиограмма,***

Нимадир бу хат ?

Нималар демоқда юрагим зарби?

Нечун у кўксимда уринар фақат

Парвозга талпинган тутқун қуш каби?

Нечун тугён қилар,

Не истар кўнгил,

Не дер бу самандар — ўт ошиноси?

Айтинг, шифокорим,

Сиз кўз тиккан бул

Турфа чизиқларнинг недир маъноси?

Балки жон риштаси дегани шудир,

Давоми умримнинг сўнгига туташ?

Балки ҳаёт йўлим...

Э.Воҳидов, Кардиограмма.

Бунда: 1-кардиограмма, 2-бу хат, 3-бу самандар, 4-ўт ошиноси, 5-ҳаёт йўлим. Бунда АЗни ташкил этувчи номинативлар кетма-кетлиги бирламчи номинативни аниқлабгина қолмай, шу АЗ таркибидаги метафорик ҳосила

⁴⁹Viehweger D. Zur semantischen Struktur des Textes. – Berlin, 1977. – S.110.

номинативлардан бири муайян N_x номинативининг хоссаларини оидинлаштириб келиши мумкин. Буни қуйидагича тушунтирса бўлади: $AZ=N_1+N_2(Na+Nb)$. Мана бу мисол эса мазкур фикримизга исбот бўлади: *Бу умр — ўтар кўчадир. Гофил ётма, туриб ўт, Ётганлар бор, ҳолин сўра, кулбасига кириб ўт. Бу кўча — байрам кўчадир, дўст-душман орасидан Зийнатланиб, зеболаниб қушдай енгил юриб ўт.* (Ҳ.Худойбердиева) Бунда $УМР=ўтар кўча+(ўтар кўча → байрам кўча)$.

А3 компонентларининг алоқадорлигига доир 2-ҳолат (ўзаро боғлиқ (анафорик алоқа)). *Раззоқ сўфида ундай қувват ортиги билан бор. Бу одам, жадиднамо бир ҳамшаҳрининг деганидек, «кўрғазмага қўйилатурган антиқа махлуқлардан эди». Раззоқ сўфи шу қадар камгап, индамас, дамани ичига солган, зикна одам эди. Ташиқари оламда, яъни ўз ҳовлисидан ташиқарида унинг доимий ва бирдан-бир вазифаси: ўзидан улуг ва кучлилар гапирса — «ҳовва-ҳовва», демак, ўзидан паст ва кучсизлар гапирса — «йўқ, йўқ», деган маънида бош чайқаш бўларди. Уйида вақтида унинг оғзидан одам болалари ўртасида юратурган тузук, маънилиқ ва «гап» деса бўладиган бир сўз чиқмас эди. Умуман, сўфининг бу бобда ўзига кўра асоли бир маслага бор: у ўзи мақтаниб айтганидай, хотин-халаж олдида оғиз очиб тил қалдиратишни раво кўрмайди.* (Чўлпон, Кеча ва кундуз). Бунда: 1-**Раззоқ сўфи**, 2-**бу одам**, 3-у, 4-**кўрғазмага қўйилатурган антиқа махлуқ**. Мазкур атов занжирида номинация асосининг муҳим белгилари 1-изоҳловчи-изоҳланмиш (Раззоқ сўфи), 2-аниқловчи-аниқланмиш (бу одам), олмош (у) орқали эмас, аксинча, метафорик ном эвазига долзарблашаяпти.

Атов занжири компонентларининг алоқадорлигига доир 3-ҳолат (нокореферент предикатив мустақиллик). Бунда АЗни ташкил этувчи номинативларнинг семантик қиймати уларнинг бир-бирига боғлиқ бўлмаган тарзда юзага чиқади. Шунга қарамай, бу сингари номинатив гаплар умумий изотопик тўрни ҳосил қилган ҳолда ягона референтни ифодалашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, ўзаро мустақил номинативлардан иборат бундай АЗнинг характери қуйидагича бўлади: $AZ=N_n(N_1/N_2/N_3/N_4\dots)$.

Битта метафорик номинация АЗда бир неча бор ёхуд такрор ҳолда қўлланилиб, ушбу ҳолат мазкур метафорик номнинг келгусида лақаб ёхуд тахаллусга айланишига ишора бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар қандай метафорик ифода ўз қўлланишининг ибтидосида тавсифлаш, характерлаш вазифасини бажаради. Лекин вақт ўтиши билан ифоданинг шакл ва мазмун яхлитлиги ижтимоийлашуви натижасида номлаш вазифаси устуворлашиб боради⁵⁰: — *Ўша тўнғиз уйланмакчи бўлиб маним бир ўртоғимга совчи қўйиб юрар эди... — Сиз ҳовлиқманг, бек, — деди, — тунови кун холамникига борган эдим, холам қизи Зайнабдан шикоят қилиб ҳамма гапни Ҳомид чўчқанинг қулогига еткизгучи ўз қизи Зайнаб гумбаз бўлганини бирма-бир айтиб берди, билдингизми?* (А.Қодирий, Ўткан кунлар)

Мазкур бобга тааллуқли “Ўзбек сиёсий-ижтимоий, публицистик дискурсида метафоралар, метафорик моделлар ва номинациялар” номли

⁵⁰ Рустамова Д. А. Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018.

қисмда А.Чудинов Е.Кубрякова, Р.Андерсонларнинг мавзуга алоқадор қарашлари таҳлил этилди ҳамда ўзбек ОАВ (асосан марказий газеталар) матни метафоралари метафорик моделлар назарияси асосида таҳлил қилинди. Метафорик моделлар миллатнинг ижтимоий-сиёсий онглилик даражасини аниқлаш, тушунчавий майдонлардаги ижтимоий аҳамиятли образларнинг синтези ва шунга мос хулосаларни чиқариш имконини намоён этиди. Бу борада ўзбек сиёсий дискурсида Ғарб мамлакатларига хос кескинлик, пичинг ва кесатикнинг камдан-кам кузатилишини ҳам алоҳида қайд этилди. Ўзбек сиёсий ва публицистик дискурсининг хабар, танқид, мулоҳаза руҳидаги материаллари таҳлил қилиниб, миллий ижтимоий оннинг метафорик моделини ифода этувчи қатор сарлаваҳалар ўзбек ижтимоий-сиёсий, публицистик дискурсининг ўзига хос “клише” вазифасини ўтовчи бирикларига айланиши кўрсатиб берилди (*миллатимиз бахтининг кафолати*; “*Ўзбекистон: 2020 йилга назар*”; *Президентимиз ташаббуслари бизга қанот бўлади*; *Юксак гамхўрлик шижоатга ундайди*; *Созлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ қуролимиздир*; *Озод ва эркин ҳаётимизнинг мустаҳкам пойдевори*; *Замон билан ҳамқадам*; *Тараққиётнинг ёрқин жилолари*; *Миллат қалбини жо этган санъат*; *Жамоатчилик назорати шундай мезонга таянмоқда*; *Чарогон ҳаёт йўлида*; *Сўз мартабаси*; *Мардлик ва шижоат мактаби*; *Мангулик садолари*; *Тан ва жон мудофааси*; *Ёниқ қалб даъвати*; *Олтин ўлка* ва б.). Хориж матбуотидан фарқли, ўзбек сиёсий дискурсида аниқ бир шахсни омма олдида очик қоралаш, унга салбий бўёқли номинативларни бириктириш, сиёсий ҳаётдаги танқидга молик воқеа-ҳодисаларни, алоҳида ҳолатларни салбий маънода персонификациялаш, бошқача айтганда, аниқ тимсоллар мисолида образлаштириш деярли учрамайди.

Когнитив метафораларнинг дискурсив тадқиқи уларнинг айнан публицистик ҳамда сиёсий дискурсида алоҳида моделларни ҳосил қилиш имкониятини исботлайди. Оммавий нутқ ва матбуот нашрларида сиёсий-ижтимоий ҳодиса ва муаммолар, уларнинг халқ руҳиятига таъсирини ифода этувчи матнлардаги киноя ҳамда кесатик руҳини кучайтиришга қаратилган атрибутив ва предикат-метафоралар маълум маънода миллат онгининг этиланганлик даражасини акс эттиради: *Тил – миллат ДНКсидир*; *Коррупция – жамият кушандаси*; *Маънавиятга хиёнат ёхуд қулдиришни билмасангиз, ҳеч бўлмаса, йиғлатманг...*; *Богимизда ўзга маданият “меваси” ёхуд ажнабий ёзувлар хусусида*; *“Огу қўшилган таом” ёхуд ёлгончи қомусларга ким заррабин тутуди?*; *Миллий тафаккурга таҳдидлар ёхуд савод, савия ва тил софлигига салбий таъсирлар ҳақида*; *Томдаги “дорбозлар” ёхуд қурувчилар қачонгача ҳимоясиз меҳнат қилади?*; *Тилни бузиб пул топиш “санъати”*; *Толстой ўзбекми?* ва б. Қатордаги *Толстой ўзбекми?* сарлавҳаси, гарчи метафорик кўчимдан ҳолидек кўринса-да, синтактик қурилманинг риторик оҳангда келатгани ҳамда бундай сўроқнинг жавоби ўзида сақланиб, аксар ҳолларда тасдиқ маъносини ифода этишини ҳисобга олсак, ички кинояга асосланган *Толстой – ўзбек* метафораси келиб чиқади.

“Метафора ва эзотерик номинациялар” номли қисмда эса ўзбек насри матнида учрайдиган эзотерик характерли номларнинг метафорик асослари тегишли таҳлиллар билан далилланди.

Идеал моҳият⁵¹ дея талқин қилинувчи метафора мисолида биз гносеологик мақсадларга йўл берувчи умумий билимларга йўл очамиз, инсоннинг инсонийлигини белгиловчи руҳий дунёси – “кўринмас олами”га алоқадор бўлган белги англатувчи лексиканинг шаклланишига гувоҳ бўламиз⁵². Хусусан, ‘Инсон’ концепти идеографик жиҳатдан бир неча когнитив қатламдан таркиб топувчи ментал яхлитликдир, унинг идеал мазмунга айланиш жараёнида иштирок этувчи сенсор тажриба кирраларини соматик, эзотерик белгилар ёрқинлаштиради. Рецепторларнинг фаол ҳаракати нафақат мияни янги ахборот билан таъминлайди, балки инсон қалбининг сарҳадларини кенгайтиради: бу, ўз навбатида, инсон тафаккури, хаёлотининг чегараларга дахлсиз табиатини шакллантиради. Тадқиқотнинг бу қисмида мазкур концептнинг лингвокогнитив таҳлили ўзбек тилидаги *саратон* метафораси орқали очиб берилди.

Инсон ва борлиқ концепцияси замиридаги замон ва макон муносабатини ифода этувчи фалсафий, темпорал, қадриятий-эстетик, ҳиссий қийматли концептлар антропосфера ҳамда табиатни ифода этувчи сатҳлараро концептуал парадигмаларга тегишли концептларга коррелят ҳисобланади. Умумий ҳолда, табиат реалияларини вербаллаштирувчи метафорик номлардан иборат далиллар мазкур номинативларнинг когнитив структурадаги концептуал коррелятига кўра қуйидаги фоизларда тафовутланишини кўрсатди (3-жадвал):

3-жадвал

| Концепт тури | Концептни вербаллаштирувчи номинативлар | Табиат реалияларига тегишли концептларни ифодаловчи метафорик номинативлар (фоизда) |
|---------------------|---|--|
| Фалсафий-қадриятий | Донишмандлик, ҳаёт-мамот, турмуш, тақдир, қадрият, эзгулик ва ҳ. | 15 % |
| Ментал | Характер, онг, дунёқараш, хусусият, борлиққа муносабат, бебошлик, тартиб, хотира, истак ва ҳ. | 6 % |
| Эстетик | Гўзаллик, жозоба | 28 % |
| Темпорал | Вақт, фурсат, вақт ўлчови: кун, тун, сутка, соат; йил фасллари: баҳор, ёз, куз, қиш ва ҳ. | 18% |
| Ҳиссий | Қўрқув, севги, меҳр, ғазаб, нафрат, шодлик, оғриқ, бахт ва ҳ. | 13 % |
| Квантитатив | “ҳеч нима” ва “ҳамма нарса” | 4 % |

⁵¹ Рикёр П. Метафорический процесс как познание, воображение и ощущение / Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990.

⁵² Арутюнова Н.Д. Функциональные типы языковой метафоры // Известия АН СССР. Сер. Литература и языкознание. – 1978. – Т. 37. – №4. – С 333-343.

| | | |
|-----------|--------------|------|
| Индефинит | Мавҳум ҳолат | 4% |
| Бошқа | | 12 % |

3-жадвал. Табиат реалияларини вербаллаштирувчи метафорик тиббий терминлар

“Ўзбек метафораси лингвомаданиятлар кесимида (техноморф ва теоморф метафоралар мисолида)” номли мавзу доирасида метафоранинг маданият кўрсаткичи, миллий кодни шакллантирувчи унсурлардан бири экани ўзбек тили техноморф ва теоморф метафоралари мисолида таҳлил этиб берилди.

Тадқиқотнинг “**Метафора илмий билишнинг усули сифатида**” деб номланган тўртинчи бобида метафоранинг билишнинг усули сифатидаги моҳияти, ўзбек тилида термин, атамаларни ўзаро фарқлашда “шаклланишнинг метафорик асоси”, ўз ва ўзлашган қатламга тегишлилик, “аник/мавҳум категорияси” омилига таяниш, терминлар таснифига доир қарашлар, таснифий мезонлар, терминларнинг ҳосил бўлишида метафорик омил, метафорик усулда ҳосил бўлган тиббий терминларнинг олам тиббий манзарасида тутган ўрни, метафора-термин ва атамаларнинг концептуал асоси масалалари муҳокама этилди.

Тиллараро қўлланувчи метафорик терминнинг лисоний воқеланишини хориж тилшунослари муайян тилга муқоясан (асосан инглиз тили) текширадилар⁵³. Жуда кам миқдорда амалга оширилган бундайин тадқиқотлар тегишли миллий маданиятларнинг терминологик метафорик модели қай тарзда ташкил топганлиги ҳамда алоҳида ҳолатдаги семантик фарқликлари тўғрисида маълумот бера олади. Жумладан, боб доирасида таҳлилга тортилган тиббий терминларнинг ўхшатиш асосига: а) рангига нисбатан ўхшашлик, б) вазифасига нисбатан ўхшашлик, в) шаклига нисбатан ўхшашлик ва бошқа турдаги ўхшаш жиҳатлар асос қилиб олиниши кузатилди. Тиббий термин ва атамалар доирасида тўпланган материаллар мазкур соҳа терминологиясининг асосан ташқи шакл-шамойилга ўхшашлик касб этувчи метафоралар эвазига шаклланишини исботлади (4-жадвал):

⁵³ Sweetser, E. (1990). From etymology to pragmatics: Metaphorical and cultural aspects of semantic structure. Cambridge: Cambridge University Press. <https://doi.org/10.1017/CBO9780511620904>; Boyd, R. (1996). Metaphor and theory change: What is ‘metaphor’ a metaphor for? Metaphor and Thought Cambridge (pp. 481–532). Cambridge University Press. Kuhn, T. S. (1993). Metaphor in Science. Metaphor and Thought, 533–542. Cambridge: Cambridge UP; Bradie, M. (1999). Science and metaphor. Biology and Philosophy, 14, 159–166. Kulver Academic Publishers; D’Hanis, I. (2002). The Use of Metaphors in Scientific Development. A Logical Approach. Logical and Computational Aspects of Model – Based Reasoning, 21–35. Kulver Academic Publishers; Knudsen, S. (2003). Scientific metaphors going public. Journal of Pragmatics 35 (8), 1247–1263. [https://doi.org/10.1016/S0378-2166\(02\)00187-X](https://doi.org/10.1016/S0378-2166(02)00187-X). Aubusson, P. J. A., Harrison, G., & Ritchie, S. M. (2006). Metaphor and analogy in science education. Springer, http://www.academia.edu/4469332/6909399_Metaphor_and_Analogy_in_Science_Education. Andrade de, N. G. (2010). Technology and Metaphors: from Cyberspace to Ambient Intelligence. Observatio (OBS), 4, 121–146. <http://dx.doi.org/10.15847/obsOBS412010279>.

| № | Тиббий атама ва термин – метафораларнинг ҳосил бўлиш усулига кўра | Ҳоизда |
|----|---|--------|
| 1. | Шаклига кўра ўхшашлик | 66,06% |
| 2. | Рангига кўра ўхшашлик | 29,69% |
| 3. | Вазифавий ўхшашлик (функционал ўхшашлик) | 4,24% |

4-жадвал. Тиббий термин – метафораларнинг ҳосил бўлиш усулига кўра фарқланиши (Ҳоизда)

Ўзбек тилидаги термин-метафора ва атамалар ўзига хос когнитив кўламни намоён этади. Бунда манба-соҳаси ва нишон-соҳаси ўртасидаги референтатив алоқадорликнинг турлари ажратилади. Албатта, метафора омили билан юзага келувчи термин ва атамаларнинг қайси соҳага тааллуқлиги омили ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Илмий матндаги метафорик терминлар тасодифан танланмасдан, предметлараро ўхшаш жиҳатларни белгилаш сабабидан ҳосил бўлади. Тўпланган материаллар метафорик терминлар атрибутив хусусиятига кўра асосан: уй-рўзғор анжомлари ва табиат билан боғлиқ ашёларга таққос негизида ҳосил бўлишини кўрсатди. Мазкур терминлар калькаланиш эвазига ҳосил бўлган ҳамда уларнинг семантик асосида коннотатив семаларнинг устуворлиги яққол намоён бўлади.

Метафоранинг терминлар “ижодидаги” иштироки аксар ҳолларда ўзаро семантик боғланишли (полисемантик) ёхуд омоним терминларни юзага келтириши мумкин (мисоллар таҳлили келтирилган). Илмий метафора номинатив вазифа билан чегараланмайди: илмий дискурсда метафора бир-бирига зид икки воқеликни ўзаро уйғунлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Референтлараро трансформацияланувчи билимлар кўлами метафоранинг антропоцентрик белгиларини ажратиш имконини туғдиради⁵⁴.

“Метафораларни миллий корпусда бериш муаммолари” деб номланган бешинчи бобда эса метафораларни ўзбек тилининг Миллий корпусида бериш муаммолари, тил корпусида метафорик номинацияларни талқин қилиш тамойиллари, метафораларни Миллий корпусда беришнинг зарурати масалалари таҳлил қилинди, зарур ўринларда масалага танқидий муносабат билдирилди.

Тил корпусини яратишга бағишланган қатор тадқиқотларда семантик разметкалаш амалиётида метафорани разметкалаш ишлари деярли инобатга олинмайди. Негаки, бу жараён мураккаб ва шунга мос тарзда синчковлик ва катта вақт сарфини талаб қилади. Дунё тиллари корпусларини тузиш тажрибасига таяниб айтиш мумкинки, метафорик номларнинг семантик

⁵⁴ Алпатов В.М. Об антропоцентричном и системоцентричном подходе к языку // Вопр. языкознания. 1993. № 3. С. 15–26; Мишланова С.Л. Метафора в медицинском дискурсе. – Пермь: Изд-во Пермского ун-та, 2002; Чернышова Л.А. Антропологические аспекты современной отраслевой терминологии (на материале терминологии железнодорожного транспорта): дис. ... д-ра филол. наук. – М., 2011; Чернышова Л.А. термины-метафоры в со-ставе отраслевой терминологии // вестн. Мгоу. Сер.: лингвистика. 2008. вып. 4. С. 49–56.

разметкасида метафорик маънони ифода этувчи лексемаларни матндан ажратган ҳолда эмас, аксинча, синтактик қуршов негизида текшириш, манба-нишонга йўналтирилган метафорик кўчимни аниқлашда эса луғатга таяниб иш кўриш маъқул. Метафорани матндан “топиб олиш” учун эса, фанда қуйидаги усулларга амал қилиш тавсия этилади.

1. Оригинал (асл) метафоралар ва уларнинг таржималарини қиёслаш усули⁵⁵.

2. Магнит-соҳа – метафорик бир-бирига интилувчи метафораларни параллел равишда қиёслаш усули (Е.Колотнина, Н.Красильникова, С.Мишланова, Н.Санцевич, О.Шаова, G. Lakoff ва б.)⁵⁶.

3. Метафорик экспансиянинг манба-соҳасига кўра бирикувчи метафораларни параллел қиёслаш усули⁵⁷.

4. Манба-соҳа метафорик экспансияли метафораларни қиёслаш усули⁵⁸.

5. Миллий тилдаги метафорик моделнинг контрастив ҳамда унинг ўзга маданиятдаги эквивалентини тавсифлаш усули (А.Каслова, А.Чудинов). Ушбу усул миллий тилнинг анъана, маданият, миллий онг ва дунёқараш, менталитет, халқ тарихи билан чамбарчас белгиларини юзага чиқаришда аҳамиятга эга.

Кибернетиканинг узлуксиз тараққиёти ўзбек тили метафораларининг келгуси даврлардаги тадқиқини тилимизнинг Миллий корпусини яратишга алоқадор изланишлар билан чамбарчас боғлайди. Миллий корпусни яратувчилар эса, ўз навбатида, инсон тафаккурининг маҳсули бўлган бу мураккаб лингвокогнитив, лингвомаданий, лингвопрагматик, психолингвистик ҳодисанинг алгоритминини аниқлаш баробарида сунъий интеллектнинг метафора репрезентациясига қодирми-йўқми эканлигини ҳам текшириб кўрадилар. Шахсий фаразларимизга кўра, метафоранинг корпусдаги репрезентацияси ҳақиқатдан йироқ, ирреал эҳтимолдир. Негаки, метафора – инсониятга Аллоҳдан неъмат қилиб берилган инъом бўлиб, айнан метафора инсон тасаввури ва тафаккурининг бетакрорлиги, сирли ва жозибadorлигини белгилайди. Демак, ўзга интеллект турларининг бу феноменга қодирлиги тўғрисидаги тахминларни бунда биз ўринсиз ҳисоблаймиз. Шундай экан, ўзбек тили метафораларининг Миллий корпусда

⁵⁵ Мазкур лингвокультуремаларнинг фрейм таҳлили ушбу ишда батафсил келтирилган. Қаранг: Махмараимова Ш.Т. Оламнинг миллий лисоний манзарасида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти/ Махмараимова Ш.Т. Оламнинг миллий лисоний манзарасида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти/Монография. – Тошкент: Нодирабегим, 2019. – 114 б.


⁵⁶ Валиева Г.Р. Корпусный анализ метафор со сферой-мишенью «Россия» (на материале англоязычного корпуса now) https://dspace.susu.ru/xmlui/bitstream/handle/0001.74/16822/2017_437_valievagr.pdf?sequence=1&isAllowed=y; Солопова О.А., Валиева Г.Р., Ворошилова М.Б. Корпусное исследование метафор со сферой-мишенью «Россия» (на материале современного американского дискурса) Вестник ЮУрГУ. Серия «Лингвистика». 2017. Т. 14, № 2. С. 37–43. <https://cyberleninka.ru/article/n/korpusnoe-issledovanie-metafor-so-sferoy-mishenyu-rossiya-na-materiale-sovremennogo-amerikanskogo-diskursa>.

⁵⁷ Шмелева Т.В. Берлинский словарь русских частиц // Вестник МГУ. Сер 9. Филология, - М., 2001. №2. 161-164.

⁵⁸ Шейгал Е.И. Семиотика политического дискурса Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук.– Волгоград, 2000. — 440 с.

берилиши бир ёқлама характер касб этиши мумкин: метафоранинг репрезентацияси (сунъий интеллект томонидан лисоний бирликларни эркин интерпретация қила олиш қобилиятини инкор этган ҳолда) фойдаланувчи томонидан қидирувда берилган лисоний бирликнинг лексик-семантик разметкаси (ЛСР) бўйича амалга ошади. Бунда ЛСРнинг корпусда мавжуд маълумотлар билан чекланишини инобатга олиш лозим. Яъни метафора деб қабул қилинаётган нутқий ифодаларнинг (нутқий ҳосилалар) қайси йўналиш (масалан, структурал, когнитив, психоллингвистик ва ҳ.), қай йўсинда (метонимия, синекдоха, персонификация негизида) талқин қилинишига қараб ЛСРни мукамал ва тўлақонли тасниф деб ҳисоблаш керак. Тўғри, компьютерда ҳам нейронлар мавжуд: компьютер миясининг ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш вазифаси инсон когнитив жараёни билан нисбатан бир хил тартибга эга. Хусусан, сунъий нейроннинг модели куйидагича (3-расм).

3-расм



12-расм. Сунъий - математик нейрон модели:

x_n – кировчи сигнал (ахборот), w – кутиш, y – чиқувчи сигнал, $u+f$ – қайта ишлов (синтез-анализ), Σ - жами (сумма)

Инсон мияси нафақат нейронлар, балки мураккаб нейрон ансамблларида ташкил топади. Зеро, компьютер нейронлари бундай ансамблларга эга эмас. Инсон миясидаги 30 млрд.га яқин нейрон ҳосил қилиши мумкин бўлган ансамбллар ўзининг мураккаблиги билан нейрон тўрлардан анча устун туради. Когнитивизмнинг кескир танқидчиси бўлган Ж.Сёрл ўз қарашлари билан *инсон мияси – компьютер* метафорик моделининг шубҳали эканини тасдиқлашга уринган. Унингча, компьютер дастурлари машинанинг турли қадамларини бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўзгаришини (трансформациясини) белгилайди. Инсон ва компьютер ўртасидаги фарқ мана шунда: инсон қоидаларга мувофиқ иш қўради, компьютер эса – йўқ. Шунингдек, ахборотни қайта ишлаш тушунчаси фақат инсоннинг ментал фаолиятига хос бўлиб, компьютер ахборотни ментал имконияти бўлмаганидан қайта ишлай олмайди. У шунчаки инсон ментал жараёнларидан нусхани кўчириб қўяди. Хомски тахминига кўра, барча тиллар бир хил универсал грамматик қонуниятларни ифода этганида эди, инсон мияси ва компьютер мияси ўртасидаги тафовутни бирмунча бартараф этиш имкони юзага келарди.

Инсон кўрув аъзоси инфрақизил ва ультрабинафша тўлқинларни ҳис қилмайди – уларни қабул қилиш имконига эга эмас. Ёки юраётган одамнинг ҳамиша ҳам мувозанат сақлаши ҳам миядаги алоҳида ҳисоб-китобларга бўйсунмайдиган баҳсли масала. Инсондаги таниш қобилятини компьютерга кўчириш мумкинми? Инсон миясидаги нейрон ва синапслар билан одам миясининг умумий табиатини тушунтириб бўлмаслигига биргина инсон кўрув даражасидаги стимуллари қабул қилиш мураккаблигини мисол қилиш мумкин. Тасвирлашнинг ментал даражаси эса бевосита кайфият ва ҳиссиёт билан бир қаторда ментал лаёқат ва қобилятлар, индивидуал хулоса ва истаклар, атроф-муҳит, дунёқараш сингари мезонлар билан ҳисоблашни шартлайди⁵⁹. Метафора соф антропоцентрик ҳодиса бўлганидан, тилда мавжуд ва эҳтимоли бор бўлган метафорик кўчимларни *жонли-жонсиз, аниқ-ноаниқ, сифат, миқдор, ҳаракат* категорияси асосида ажратиш, тушунчаларни таққос қилиш эвазига метафораларни идентификация қилиш мумкин. Лекин бу тил ўрганувчининг мавжуд тилдаги ибора ва идиомалар билан танишиш мақсадигагина хизмат қилиши мумкин.

Метафора лексемалар семантик кўламларининг тўқнашувини юзага келтиради. Машинада бу жараён қандай кечиши мумкин? Эҳтимол, машина бундай тўқнашувни умумий референтни ифода этувчи парадигматик қатордаги бирликлар кетма-кетлигини бузиб, бир сатҳ бирликларини иккинчи ёхуд ўзга сатҳ бирликлари билан улаган ҳолда янги синтагмани ҳосил қилиш орқали содир этар, бироқ бу ясалма инсон ижодидаги бетакрор метафоралар билан на мазмуний жозибадорлик, на маъновий тугалликда беллаша олмайди. Чунки машина сунъий интеллект сифатида тил унсурларини қалбан, юракдан англамайди (унда онгнинг ўзи мавжуд эмас), миллат учун тегишли бўлган қадриятий тушунчаларни идрок қилиш қобилятидан марҳум. Машина шаклни фарқлайди, холос: дастлаб визуал фарқловдаги бу шаклларнинг компоновкаси⁶⁰, композицияси, ўрин алмашинуви (трансформация ва транспозиция) унинг учун дастлаб бевосита кузатувда берилган белгилар асосида содир бўлади. Ўз даврида таниқли олим М.Арбиб икки асосий: “*Инсон – бу мавжудот*” ва “*Инсон – бу машина*” модели метафораларни ажратиб, инсонни мавжудотга қийслаш негизида унинг ботиний хоссалари, машинага таққослаганда эса ташқи белгилари инобатга олинишини қайд этганди⁶¹. Ваҳоланки, миллиардлаб матнлар орасида метафорик унсурларни фарқлаб берганида ҳам, машина метафораларни шахсан ижод эта олмайди. Инсон сингари туб моҳиятни пайқашни учун машинага том маънодаги юрак ва инсоний қалб зарур бўлади.

Замонавий метафорология – фанлараро алоқадорликда ўрганилиши талаб қилинадиган соҳа бўлиб, унинг марказида инсон метафороген фаолияти туради. Метафоранинг антропоцентрик табиати метафорани турли

⁵⁹ Searle J. Minds, Brains and Science. 1984. Сёрль Дж. Р. Сознание, мозг и наука. Перевод на русский язык: А. Ф. Грязнов. — М., 1993. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 10.06.2013. URL: <https://gtmarket.ru/laboratory/basis/6662/6665>.

⁶⁰ Компоновка - лот. *componere* – *тузиш, қуриш, тўқши*.

⁶¹ Арбиб М. Метафорический мозг. – М.: УРСС, 2004. – 300 с.

йўналишларда текширишга монелик туғдирмайди. Бунинг оқибатида метафорологиянинг асосий: фалсафий, мантиқий, психологик, лингвистик турларини ажратиш мумкин бўлади. Метафоранинг аниқ таснифини эса барча фанларнинг тадқиқ натижаларига таянган ҳолда аниқлаш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

1. Метафора ўз-ўзидан антропоцентриkdir ва у, табиийки, лисоннинг антропоцентриклигига ёркин далил.

2. Фанда номинация ҳодисаси нейролингвистиканинг мураккаб психик жараён, ташқи олам тўғрисидаги ахборотни кодлашнинг аниқ операцияси сифатида ўрганилади. Бунда метафоранинг табиатига: турғунлик, яхлит образни моделлаштиришдаги қулайлик, мавҳумликни аташ, номлаб бериш (метафора - онгости ҳодисалари, билимлар мажмуининг таржимони сифатида), экспрессивлик (метафора – мантиқий қоидаларга бўйсунмайдиган ахборотни ҳис-туйғулар бошқарадиган кўламга кучли таъсир этиш орқали етказувчи образ), жамоага хос ижодкорлик характери мансуб қилинади.

3. Тил инсоннинг, энг аввало, тафаккурига қаратилган таржимондир. Унинг ушбу “таржимонлик” ишида, асосан, экспрессив-баҳоловчи коннотацияларни ифода этувчи образли метфоралар юзага чиқади. Ушбу жиҳат метафоранинг прагматик қимматини оширади, метафоранинг концептуал ҳамда номинатив вазифаси негизда онтологик янги босқич – кейинги билиш босқичи учун дастлабки даражани ифода этувчи категорияни юзага чиқаради.

4. Метафора олам тўғрисидаги ҳаққоний ахборотни ташувчи концептуал ҳодиса сифатида оламни категориялашда бевосита иштирок этади. Бинобарин, категория – инсоннинг борлиқ ҳақидаги билимларни тушунчалар баробарида сақлаш шаклидир.

5. Фанда концептуал ва когнитив метафора турларини фарқлашда уларнинг бош мия фаолиятидаги нейрон ёхуд концептуал сатҳга таллуқли хусусиятини намоён этувчи белгиларига таянилади. Концептуал метафора манба ва нишон концептуал соҳалари ўртасидаги ментал проекцияларни намоён этса, когнитив метфорани нейрофизиологик фаолликнинг нейронлар фаоллашуви даражасидаги жараёнлар билан боғлиқ механизм сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

6. Метафора асосида физик оламнинг реалиялари номинативлик характерини касб этиш эвазига моддийлашади, бунда бевосита кузатишда берилмаган воқелик мазмуни айнан метфоралар эвазига конкретлашади. Ментал-ҳиссий кўламда мавжуд вақтга қадар анланмаган, актуаллашмаган тушунчалар метафорик жараёнда лингвокогнитив вазиятга мос тарзда концепт хусусиятини касб этиб боради. Бироқ бунда метафора мавжуд тушунчанинг таркибини батамом қайта қурмайди, шаклантирмайди, унинг таркибини янгилamayди: метафора мавжуд семантик майдоннинг ўзини унга муқобил семаларга ишора қилган ҳолда, номинатив ресурс сифатида жараёнга тадбиқ

этади. Яъни сўз семантик қурилишига дескриптив жиҳатдан таъсир ўтказиб, бир маънони иккинчи маъно билан алмаштиради. Натижада тил тизимида битта номинатив асосида ҳосила маънони намоён этувчи иккинчи номинат (одатда, омонимлар) юзага келади.

7. Метафорада асосий икки жиҳатни бир-биридан фарқламоқ лозим бўлади: 1) метафора – билишнинг асосий уч механизмларидан бири (билиш: рационал, эмпирик ва метафорик турларга бўлинади); 2) метафорик тафаккур билишнинг маълум босқичи.

8. Ўзбек сиёсий-ижтимоий, публицистик дискурси материаллари метафорадаги: когнитив, эстетик, эмотив, номинатив, интерпретациялаш каби вазифаларнинг юқори даражадаги фаоллашувини кўрсатади. Зотан, метафорик моделлар миллатнинг ижтимоий-сиёсий онглилик даражасини аниқлаш, тушунчавий майдонлардаги ижтимоий аҳамиятли образларнинг синтези ва шунга мос хулосаларни чиқариш имконини намоёйиш этади.

9. Когнитив метафораларнинг дискурсив тадқиқи уларнинг, асосан, публицистик ва сиёсий дискурса алоҳида моделларни ҳосил қила олиш имкониятини исботлайди. Бунда *метафорик модел* атамаси: 1) метафоранинг ўзини; 2) фреймли таҳлилга асосланган метафорик ифодаларнинг тизимли конструкциясини ифодалайди.

10. Фанда грамматик категория қаторига метафориклик категорияси қўйилади. Бу – реал ва нореал, ўзаро мувофиқ ва номувофиқ моҳиятларни бирлаштириш санъатидир. Бу синтетик категория лисоний категорияларнинг мантиқий категорияларга мос тушмай қолиши (грамматик-мазмуний номувофиқлик, нутқ мантиқийлигининг бузилиши)га доир ҳолатларни тушунтиришни осонлаштиради.

11. Бадиий матн инсон ва олам ўртасидаги алоқадорликнинг фалсафий концепциясини метафоралар кўмагида беҳато, тушунарли ва содда тарзда етказа олади. Персонификация эвазига табиат ҳодисаларига антропоморф чизгиларни бириктириш – айна вақтда физиосфера ва антропосфера бирлигидан иборат концепция тамойилларига ишора.

12. ОДАМ+ТАБИАТ концепциясига дахлдор чизгилар нафақат табиат реалияларининг антропоморфлаштирилган парадигмаси, балки инсон табиатига тегишли натуроморф белгиларнинг иерархиясида ҳам кўринади.

13. Предикат метафораларнинг умум томонидан эътироф этилиши ва маъқулланиши натижасида уларнинг лексикализацияси содир бўлади – номинатив белгилар (сўз, сўз бирикмалари), предикатив белгилар (гап), мураккаб предикатив белгилар (матнлар) ва б. кўринишдаги лингвистик метафоралар шакл топади. Мазкур жараён натижасида мустақил маъноли янги коннотатив бирликлар – ҳосила номлар вужудга келади.

14. Моҳиятга тааллуқли белгини ажратиб кўрсатиш баробарида, метафора гносеологик мақсадларга йўл берувчи умумий билимларга ишора қилади; инсоннинг инсонийлигини белгиловчи руҳий дунёси – “кўринмас олами”га алоқадор бўлган белги англатувчи лексиканинг шаклланишига хизмат қилади.

15. Метафоранинг атов жараёнидаги иштироки эмоционал-фаолиятий табиатга эга номинативларни ҳосил қилади.

16. Метафоранинг “яратувчанлик” қобилиятига илмий услубда эҳтиёж ниҳоят даражада катта бўлиб, илмий концепцияларни янги терминлар билан аташда муаммо туғилганида, метафораларга таянилади. Метафорик усулда ҳосил қилинган терминларнинг лисоний истеъмолдаги қулайлиги, тилда тежамкорликни юзага келтира олиши ҳамда хотирага ортиқча юклама бермаслиги фанда исботланган. Метафорик терминлар фикрни ифодалаш ва илмий назарий билимларни кенгайтириш учун зарур. Бу сингари терминлар қиёс этилаётган икки объект ўртасидаги сифатий белгиларни мантиқий алоқадорликда боғлайди. Бунда метафорик терминлар негизидаги таққосланаётган объектлар: шакл, ранг, хил-хусусият, миқдор-ҳажм ва вазилавий ўхшашлик муносабатига киришади.

17. Метафорик усулда ҳосил бўлган тиббий терминлар – олам тиббий манзарасининг мустақил унсурларидир.

18. Метафора – когнитив ҳодиса, бироқ нутққа ҳосила сифатида кўчганида, унга энди алоҳида сўз-лексема сифатида қаралиши лозим. Демак, корпусда берилажак маълумотлар сирасида метафорик номларни даставвал, семантик разметкалани лозим бўлади; метафорик номлар семантик разметкасида метафорик маънони ифода этувчи лексемаларга якка тарзда, уларни матндан ажратга ҳолда эмас, аксинча, синтактик қуршов негизида ёндашган маъқул.

19. Метафора лисоний тизимнинг алоҳида олинган бирлиги эмас, яхлит тизимларни ташкил қилган ҳолда лисоннинг макротизимларига дахл қилувчи тафаккурнинг лингвомантиқий ҳодисасидир. Афсуски, ўзбек тилшунослигидаги метафорани бутундан қисмга тамойилида текширишнинг кўп йиллик тажрибаси уни бутундан қисмга эмас, қисмдан бутунга тамойили асосида текшириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, ўзбек тили метафораларини серқирра ёндашувда текшириш эвазига умумий метафорология тамойилларини кашф этиш имкони туғилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАХМАРАИМОВА ШОХИСТА ТУХТАШЕВНА

**АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ МЕТАФОРЫ В
УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ
(номинативный аспект)**

10.00.01– Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4. DSc/Fil189.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.samdu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziynet.uz.

Научный консультант: **Менглиев Бахтиёр Ражабович**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Элтазаров Жўлибой Данабоевич**
доктор филологических наук, профессор
Худайбергана Дурдона Сидиковна
доктор филологических наук, профессор
Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 при Самаркандском государственном университете. Адрес: 140104, г.Самарканд, улица Университет хиёбони, 15. Тел.: по адресу: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет, главное учебное здание, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандском государственном университете (зарегистрированной за №_____). Адрес: 140104, г.Самарканд, улица Университет хиёбони, 15. Тел.: по адресу: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40;

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 г.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2020 г.)

М.К.Мухиддинов,
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. филол.н., профессор

А.Б.Пардаев,
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.филол.н.

А.Э.Маматов,
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д. филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике метафорология является областью, требующая изучения междисциплинарных связей, в центре которой лежит метафорогенная деятельность человека. Антропоцентрическая природа метафоры не исключает возможности рассмотрения метафоры и создаваемых ею номинативов в разных направлениях. В результате в последние годы были внесены предложения по выделению основных типов метафорологии: философской, логической, психологической, лингвистической. С другой стороны, точная классификация метафоры может быть определена на основе результатов исследований во всех дисциплинах и, следовательно, в контексте научной парадигмы антропоцентризма. Однако метафорология – это самостоятельная структурная единица науки, и нет другой универсалии, которая бы описывала все грани лингвокогнитивного мира человека, кроме метафоры.

В мировом языкознании и античной метафорологии метафора считалась относительно сложным объектом исследования. Однако, в отличие от античной и средневековой лингвистики, исследования, проведенные в антропоцентрическом направлении конца XX века, доказали, что метафора не является отдельно взятым единством лингвистической системы, а скорее проявляется орудием мышления, лингвологическим явлением, затрагивающее макросистемы языка, не проявляясь в отдельных словарных единицах, а образуя целостные системы. Проблема изучения номинативной функции в ней на основе принципов антропоцентрического подхода до сих пор не решена.

Узбекистан в данное время ступил на новый этап своего развития – этап национального возрождения. “Является естественным, что в нынешний период глобализации каждый народ, каждое независимое государство придает приоритетное значение обеспечению своих национальных интересов, прежде всего, сохранению и развитию своей культуры, исконных ценностей, родного языка”¹. Проводимые в республике широкомасштабные реформы в сфере языковой политики обусловили не только начало новой эры в развитии узбекского языка, но и переход на новый этап научно-исследовательских работ в языкознании, усилилось внимание к проведению прикладных исследований, изучающих язык с учетом человеческого фактора. Следовательно, многолетний опыт узбекского языкознания за годы независимости в изучении актуальных вопросов, связанных с механизмом метафоры и метафоризации в рамках целено-частичного подхода, доказал необходимость антропоцентрического подхода к исследовательскому процессу, в отличие от формального, субстанционального направления. При изучении метафоры узбекского языка в многостороннем подходе, возникает возможность открытия общих метафорологических принципов. Ведь развитие

¹ Указ Президента Республики №УП-5850“УказПрезидента Республики Узбекистан о мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка”от21 октября 2019 года // www.lex.uz

нашего национального языка, его большое значение в «всестороннем образовании подрастающего поколения, его воспитании как физически и духовно зрелых людей»² свидетельствует о необходимости дальнейшего совершенствования исследований в этом направлении. В частности, исследование лингвокогнитивной, антропоцентрической природы узбекской метафоры является одной из актуальных проблем развития узбекской метафорологии на сегодняшний день.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан №УП-4797 «Об организации деятельности Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, №УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, №УП-6084 «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране» от 20 октября 2020 года, №ПП-4479 «О широком праздновании тридцатилетия принятия закона Республики Узбекистан «О государственном языке» от 4 октября 2019 года, постановлениях Кабинета Министров №989 «Об утверждении положения о Департаменте развития государственного языка» от 12 декабря 2019 года, №40 «О мерах по организации деятельности комиссии по терминам при Кабинете Министров Республики Узбекистан» от 29 января 2020 года и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие актуальности исследования с учетом приоритетов развития науки и техники республики. Диссертация выполнена в соответствии с учетом приоритетов развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Уровень изучения проблемы. Общая методологическая основа темы – метафорологические учения, изучаемые с древнейших времен до наших дней. В частности, Аристотель, Квинтилиан, Ж.Миллер, Х.Ортега-и-Гассет, М.Блер, Н.Арутюнова, М.Джонсон, Ж.Лакофф, Ф.Анкерсмит, М.Рапп, А.Овелак, М.Мюллер, А.Лурия, Н.Жинкин, С.Кацнельсон, Р.Лангакр, Н.Хомский, Л.Тэлми, У.Крофт, Л.Лузина, Я.Парандовский, А.Чудинов, А.Баранов, Г.Скляревская, О.Лагута³; в узбекском языкознании Атаулла Хусейни,

² Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. – 56 б.

